ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛИШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Илгари хабар қилинганидек, 14 декабрь куни халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда мазкур вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, бир қатор вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Мавлон Раҳмонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан республика молия вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Самойдин Ҳусенов Бухоро вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз нутқида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни чуқур таҳлил қилиб, ислоҳотларни ривожлантиришда вилоят фаоллари, меҳнаткашлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида батафсил тўхталди.

Ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун одамлар қалбида ишонч ва ғурур туйғуларини уйғотмоқ зарур, деди Президент. Одам Ватани, она юрти, буюк аждодлари, қолаверса, ўз ота-онаси билан ҳам ғурурланиши даркор. Шунда у ўзида куч-ғайрат ҳис этади, буюк ишларнинг уддасидан чиқишга қодир бўлади. Ғурурли одамни эса ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Шу ўринда бозорлар мамлакат иқтисодининг кўзгуси экани хусусида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Зеро, ғурурли халқ, ўз қадрини билган давлат бозорларининг сифатсиз — усти ялтироқ, ичи қалтироқ, бошқа жойларда ўтмай ётган моллар билан тўлишига йўл қўймайди.

Кейинги йилларда бизнинг бозорларимизда ана шундай сифатсиз моллар анча кўпайиб кетди.

Гап нима ҳақда бормоқда? Агар биз сохта обрў топмоқчи бўлсак, олтин ва валюта заҳираларимиз ҳисобидан турли-туман, сифатли-сифатсиз моллар келтириб, бозорларимизни тўлдириб ташлашимиз мумкин, деди Ислом Каримов. Лекин, бу келажак авлодлар ризқини қийиш бўларди. Ўзимизда ишлаб чиқариш ривожланмай қолади. Корхоналаримиз инқирозга юз тутиб, ишсизлик кўпаяди. Бошқача айтганда, биз ана шу товарларни сотиб олиш орқали бошқа мамлакат фуқароларини иш билан таъминлаган бўламиз. Бу ўз оёғига болта уриш эмасми? Ундан кўра ана шу маблағларни янги технология жорий этишга, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиб, ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш керак. Халқимиз ўзингдан чиққанига не етсин, деб бежиз айтмаган-ку!

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 1400 та четдан мол олиб келиш билан шуғулланадиган ҳар хил фирма бор экан. Улар молни олиб келади, сотади, биз эса уларнинг маблағини олтин ва пахтамиз эвазига келган эркин валютага алмаштириб— конвертация қилиб берамиз. Шу йилнинг ўзидаёқ қарийб 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида ана шундай мол олиб келинибди. Ҳолбуки, уларга ҳеч ким бундай кафолат бермаган.

Биз бугунги кунда эҳтиёжимиз учун нима керагу, нима керак эмаслигини аниқлаб чиқдик. Зарур товарларни олиб келиш билан шуғулланадиган 285 фирмани белгилаб, уларга пулини конвертациялаш кафолатини бердик.

Бу, бозоримизни эгаллаб олмоқчи бўлганларга, ўзимиздаги айрим чаққонларга хуш келмайди, албатта. Ва чора, ўз бозорини ҳимоя қилиш ҳам давлатнинг муҳим вазифаларидан бири. Акс ҳолда, боя айтганимдек, бошқаларга қарам бўлиб қолиш, кейин халқаро молия ташкилотларидан қарз сўраб, йиллар давомида ана шу қарзларнинг устама фоизини тўлаш учун ишлашга тўғри келади.

Бу йил валюта биржасида 3 миллиард 400 миллион АҚШ доллари сотилди, деди давлатимиз раҳбари. Ниятимиз ана шу маблағнинг 70 фоизидан ортиғини замонавий технология олиб келишга сарфлашдир. Бизда «ЎзДЭУавто», Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи каби қурилишлар кўп.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи негизида АҚШ билан ҳамкорликда «Кэйс» комбайнлари, янги замонавий тракторлар чиқарадиган қўшма корхона барпо этяпмиз. Валютамизни енгилгелпи маҳсулотларга эмас, ана шундай қурилишларга ишлатсак, бозоримиз ҳам тўлади. Муҳими, ҳеч кимга қарам бўлмаймиз. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаши керак, деганда биз ана шундай истиқболни назарда тутамиз.

Президент Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ҳақида гапириб, бу борада келажак дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Унда ислоҳотларни чуқурлаштириш, маданият ва маънавиятни юксалтириш, пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва дренаж тармоқларини таъмирлаш борасидаги тадбирлар аниқ белгиланиши лозим. Бусиз юқори ҳосил олиб бўлмайди. Энг муҳими, дастурни амалга оширишда ички имкониятлар ҳисобга олиниши, керак бўлса, бу ишга республика вазирлик ва ташкилотларини ҳам жалб этиш даркор.

Ислом Каримов яна бир масалага эътиборни қаратди. Вилоятдаги иқтидорли ёшларни тараққий топган давлатларга ўқишга юбориш, бу борада келажак 5-10 йилни кўзлаб иш тутиш лозим. Уларга кенг йўл очиб, бор қобилиятларини намоён этишлари учун зарур муҳит яратилиши керак.

Вилоятдаги ҳозирги аҳволнинг асл сабаби фақатгина моддий масалаларда эмас, деди Ислом Каримов. Иқтисодий муаммолар ўз йўлига, уларни ечиш мумкин. Энг асосий сабаб, бу ерда эски замон иллатларидан, шўро мафкураси асоратларидан халос бўлолмаяптилар. Янги замон руҳини ҳис этиш қийин кечяпти. Лекин бой тарих ва маданият вориси бўлмиш Бухоро вилояти ўз қиёфасига эга бўлиши, салоҳиятини тўла намоён этиши керак.

Ҳар бир етакчи, ҳар бир фаол мендан ҳаётда нима, қандай из қолади, деган ақидага амал қилиб ишлаши лозим.

Шу куни Президент Ислом Каримов Бухоро шаҳридаги таъмирлаш ишлари қизғин давом этаётган «Минораи калон» мажмуини кўздан кечирди. Уни асл ҳолига қайтариш зарурлигини таъкидлаб, Самарқандда обидаларни таъмирлаш чоғидаги тўпланган тажрибалардан фойдаланиш, қадимий ва замонавий меъморчилик усулларини уйғунлаштириш борасида тавсиялар берди.

Қоровулбозорда иқтисодий мустақиллигимизни таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган улкан иншоот — нефтни қайта ишлаш заводи бунёд этилмоқда. У қарийб 300 гектар майдонни эгаллайди. Заводнинг биринчи навбати келгуси йил ёзида ишга тушади. Заводнинг техник лойиҳаси учун 262 миллион АҚШ доллари сарфланмоқда.

Давлатимиз бошлиғи қурилиш ишларининг бориши билан танишди. Муҳандислар билан мулоқотда бўлди. Ишга тушириш жараёнида инобатга олиниши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида уларга маслаҳатлар берди.

Ислом Каримовнинг Бухоро вилоятига сафари чоғида унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири.

***

СУРАТЛАРДА: сессия иши пайти.
А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 17 декабрь, сешанба № 160 (22.081).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ депутатлари!
Азиз дўстлар!

Авваламбор сизлар билан қадимий Бухоро заминида юз кўришиб турганимдан ғоят хурсанд эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ер юзида Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, уни умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришни орзу қилмаган маърифатли одам йўқ десак, асло хато бўлмас.

Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухорои шариф деган ном бежиз берилмаган. Негаки, бу муқаддас заминда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пиру устозлари — Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Муҳаммад Сомосий, Саййид Мир Кулол, кейинги замонларда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Ҳўжаев, Иброҳим Мўминов каби улуғ зотлар ўтганки, уларнинг номларини ёдлаш ва эъзозлаш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Бу муборак заминда ўтган азиз-авлиёларнинг руҳлари қўллаган Бухоро аҳлини биз ҳаммамиз қўли гул, дили соф, иймони бутун ва иродаси бақувват кишилар сифатида жуда яхши биламиз ва ҳурмат қиламиз.

Вилоятнинг табиий шароити анча мураккаб. Сув тақчил, жазирама иссиқ, бир тарафи қум ва сахролардан иборат. Мана шундай оғир ва машаққатли аҳволда чўлу биёбондан ўзлаштириб олинган заминда беҳисоб инсонларнинг меҳнати бор. Бухоронинг ҳар қарич ери деҳқонларнинг пешона тери билан суғорилган, деб айтсак муболаға бўлмайди.

Бухоро аҳли ана шундай заҳматкаш, ишнинг кўзини биладиган халқ. Ўтмишда ҳам, кейинги замонларда ҳам бухороликлар тажоввускорлиги, янгиликка ташналиги билан халқимиз орасида машҳур бўлганлар. Яхшилаб эслаб кўрсак, пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам, бошқа талай соҳаларда ҳам бухороликлар кўп марта ибрату намуна кўрсатганлар.

Бухоронинг ерости ва ерусти бойликлари, моддий потенциали жуда буюк. Хорижий сармоя иштирокида қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводини олиб қарайлик. Бу улкан корхона ҳали битмасдан туриб бутун жаҳон аҳлининг тилига тушди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки бу завод Ўзбекистон давлатининг нефть мустақиллиги дастурида беқиёс ўрин тутади.

Ёки Бухоро зардўзлари меҳнатини олиб қарайлик. Бундай санъат, бундай маҳорат ер юзида топилмайди. Бухорои шарифнинг зардўзи дўппилари, зар чопонлари, зар ковушлари, турли зар безаклари дунёдаги энг машҳур музейларнинг фахрига айланган.

Ҳурматли депутатлар!

Кейинги йилларда вилоятда аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, шу йилнинг ўтган ўн ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди.

Вилоятда хусусийлаштириш ва мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёнлари тобора чуқурлашмоқда. Шу йилнинг ўзида 3 мингга яқин хусусий ва кичик корхона рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг умумий сони қарийб 7 мингтага етди. Ишлаб чиқаришда ва хизмат соҳасида нодавлат секторнинг ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу рақам 95-98 фоизни ташкил этмоқда.

Бозор инфраструктурасини ривожлантириш борасида ҳам маълум тадбирлар амалга оширилди.

Лекин, афсуски, қилинаётган ишларга тан берган ҳолда вилоятда юқорида зикр этилган эзгу мақсадларга хизмат қилувчи туб ислоҳотларга, инсонлар ғайрати ва ташаббусига кенг йўл очиб берилди, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилди, деб айтолмаймиз.

1996 йилнинг ўн ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 корхона 270 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 22 корхона эса 144 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни камайтирди.

Вилоят бўйича жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 5 минг 350 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Олот, Пешку, Жондор туманларида 400-500, Ғиждувон ва Вобкент туманларида борй-йўғи 300 сўмдан иборат, холос.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йил кўрсаткичидан анча орқада қолмоқда. Ўтган йили макарон маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 баравар, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4 баравар камайган бўлса, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса қарийб 10 баравар кам бўлган.

Айни даврда озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтириш 31 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Буни қандай баҳолаш мумкин? Ахир, шунча маблағга илғор технологияни сотиб олиб, шу ернинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эди-ку?!

Қачонгача энг керакли, кўпчилик истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва бошқа товарларни четдан олиб келишга муҳтож бўлиб ўзгаларга қарам бўлиб қоламиз?

Ҳолбуки, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, энг илғор технологияларни олиб келиш учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин, минг афсуски, бундай яратувчилик ишларида вилоят раҳбарларининг сусткашлиги кўринмоқда.

Вилоятда хорижий инвестицияни жалб қилиш асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, эски ускуналарни янгилаш, энг илғор технологияларни ўзлаштириш асосида юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга етарли даражада эътибор берилмаяпти.

Бухорода ишбилармон, тадбиркор одамлар кўплаб топилади. Гап ана шундай кишиларни топиб, уларни рағбатлантириб, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб, йўлини очиб беришда қолган.

Яна бир нарсани очиқ айтишимиз керак: четдан эркин валютага маҳсулот келтиришдан айрим одамлар манфаатдор. Шунинг ҳисобидан мўмай даромад олмоқда. Уларнинг жиловини тортиш қўлимиздан келади, албатта.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати билан вилоятда ҳеч ким шуғулланмаяпти. Масъул шахслар маҳсулот умумий ҳажми билан кифояланиб қолмоқда.

Вилоят омборларида бугун 1 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилмай қолганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Рўйхатдан ўтган 43 та қўшма корхонанинг атиги 14 таси фаолият кўрсатмоқда, холос. 3 та қўшма корхона тарқалиб кетиш арафасида турибди.

Қишлоқ жойларида ташкил этилган 8 та қўшма корхонанинг ярми ишламаяпти.

Вилоят бўйича 320 миллион сўмлик ускуналар ўрнатилмай ётибди. Бу ускуналарнинг асосий қисми эркин валютага — 524 минг АҚШ долларига сотиб олинган.

Шунча ускунани қор-ёмғир остига ташлаб қўйган амалдорларга яна нима дейиш мумкин?

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг хусусий ва ҳиссадорлик шаклларини жорий этиш борасида ҳам камчиликлар кўп. Мулкчиликни тарғиб-ташвиқ қилиш, унинг моҳиятини тушунтириш борасида ишлар жуда суст олиб борилмоқда. Бир кўринишда бундай муҳим вазифаларни кўпчилик раҳбарлар ўзи чуқур тушунмаганга ўхшайди.

Қуриб тугатилмаган иншоотлар, фойдаланилмай бўш ётган бинолар ва ишлаб чиқариш воситаларини «кимошди» усулида сотишга жиддий эътибор берилмаяпти. Вилоятда «кимошди» савдосига қўйса бўладиган 1000 дан ортиқ объект бўла туриб, улардан бор-йўғи 89 тасигина савдога қўйилган, холос.

Вилоятдаги 11 та тумандан 10 тасида кўчмас мулкни хусусийлаштиришдан олинадиган тушумлар режаси бажарилмади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, мамлакат деҳқончилик саноатида Бухоро вилоятининг тутган ўрни ва мавқеи катта.

Умуман, **деҳқончилик маданиятини ошириш, ерга муносабатни ўзгартириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини кўпайтириш долзарб масалага айланиб қолмоқда.**

Бу ҳақда гап борар экан, мен Бухоро деҳқонлари ҳақида, уларнинг машаққатли меҳнати тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман.

Биринчидан, бу қадимий юрт асрлар мобайнида шаклланган деҳқончилик мактабига эга. Ерга муносабатнинг ўзига хос тажрибаси мавжуд. Бу тажрибалар мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан анча фарқ қилади, чунки воҳанинг табиий иқлим шароити ва тупроқ таркиби шуни тақозо этади.

Иккинчидан, ер ниҳоятда шўрланганлиги оқибатида деҳқон машаққати яна ҳам ортган. Халқимиз «ернинг шўри — деҳқоннинг шўри» деб бежиз айтмаган. Бухороликлар қаҳратон қишда муз кечиб, қор кечиб, ернинг шўрини ювишади. Ёзнинг жазирама иссиғида экинни бошқа жойларга нисбатан бир неча марта кўп суғоришади, ишлов беришади. Бу

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. Қ. ҲУСЕНОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Самойдин Қосимович Ҳусенов Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 14 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. Р. РАҲМОНОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мавлон Раҳимович Раҳмонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Бухоро вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 14 декабрь.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ ЯПОН ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

ТОКИО. 16 декабрь (ЎзА махсус мухбири Ўктам МИРЗАЁР хабар қилади). Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов раҳбарлигидаги республикамиз ҳукумат делегациясининг Японияга расмий ташрифи бошланди. Мамлакатимиз делегацияси иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Япония ва Япония—Ўзбекистон қўшма қўмиталарининг мажлисида иштирок этади.

Шу куни Ўзбекистон делегацияси жойлашган меҳмонхонанинг қабуллар залида Япония жамоатчилиги ва бизнесменларида катта қизиқиш уйғотган воқеа юз берди. Бу ерда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг япон тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов нутқ сўзлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва унинг истиқболи мазкур китобда қай даражада аниқ ва равшан баён этилгани ҳақида сўзлади. Маросимда жаҳоннинг кўплаб тилларида чоп этилган ушбу китобнинг япон тилида нашр этилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши таъкидланди.

Ўзбекистон Бош вазири «Сумимото» корпорацияси президенти Кэнджи Мияхарда билан учрашди. Учрашувда фуқаро авиацияси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, коммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича лойиҳалар тузишга келишиб олинди.

Ўткир Султоновнинг Япония халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги президенти Кимио Фуджита билан бўлган учрашувида эса малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ҳукумати делегацияси билан Японияниг Экспорт-импорт банки—«Эксимбанк» президенти Хироши Ясуда ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашув якунида Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш лойиҳаси бўйича кредит битими имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистонга сармоя киритиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида кенг маълумотлар берилди.

Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Янги технология — экспортга кенг йўл очади

БУ «MADE IN UZBEKISTAN»МИ?

Яқинда Москвада бирга ўқиган қозогистонлик курсдош дўстим кўнгироқ қилиб қолди. Ҳолаҳвол сўрашганимиздан сўнг, у Асакада чиқараётган автомобилларимиз билан қизиқди. Хуллас, «Нексия»миз Қозоғистон кўчаларида ҳам пайдо бўлибди.

— Бу «Made in Uzbekistan»ми энди?

— Ҳудди шундай, — дейман ғурур билан.

— Отдай учқур экан-а. Биздагилар тўрт йилдан бери автозавод қурамиз, деб уринишди. Сизлар икки-уч йил ичида қойил қилдингизлар. Балли...

Ҳа, Ўзбекистон бугун ўзи танлаган тўғри йўлдан бормоқда. Буни нафақат дўстларимиз, балки бутун жаҳон тан олмоқда. Биз бугун кўп соҳаларда МДҲдаги бошқа давлатлардан илгарилаб кетдик. Дон ва нефть мустақиллиги учун саъй-ҳаракатлар кучайиб, эртанги уфқлар кўриниб қолди. Юртимизда илк бор автомобилсозлик соҳаси вужудга келтирилди. Мамлакатимизнинг йирик корхоналарида замонавий чет эл технологияси ўрнатилиб, том маънодаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда Ўзбекистон тамғаси босилган товарлар жаҳон бозорига кириб бормоқда.

Қувончлиси шуки, ҳукуматимизнинг аниқ ва изчил ислоҳотлар сиёсати мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишига олиб келмоқда. Жойларда қўшма корхоналар сони кўпайиб борянти. Айни пайтда уларда фақат хом ашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир. «ЎзДЭУэлектроникс», «Ўзиталмотор», «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўзсаламандер», «Кобул-Тўйтепа текстиль» сингари кўплаб қўшма корхоналар бугун мўъжиза яратиб, ўзбек ва хорижий ишбилармонлар ҳамкорлигининг нақадар фойдали ва истиқболли эканлигини бутун дунёга ошкор этмоқда. Биргина «Кобул-Тўйтепа текстиль»ни олайлик. Ушбу корхона ишга тушганиданоқ ишлаб чиқарган маҳсулотларининг 80 фоизини хорижга экспорт қилмоқда. У тўлиқ ишга тушгач, 90 фоиз товар четга сотилади. Демакки, ўз-ўзидан республикага валюта тушуми кўпаяди.

Мана, сизга янги технологиянинг шарофати!

Биз қанчалик кўп рақобатбардош маҳсулот тайёрласак, жаҳон бозорига кириб боришимиз шунчалик тезлашади. Эсингизда бўлса, юртбошимиз Олий Мажлис сессияларидан бирида завод ва фабрикалар раҳбарларини, умуман хом ашёни қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш билан машғул бўлган мутасаддиларга мурожаат қилиб, чет эл билан ҳамкорлик қилмайдиган, замонавий хориж технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этмайдиган, рақобатбардош товар тайёрлаб ўз маҳсулотини экспортга чиқармайдиган корхона ёки заводнинг келажаги йўқ, деб таъкидлагандилар. Дарҳақиқат, ҳозирги замон талаби ҳам шундай.

Очиғи, бизда ҳамма имкониятлар мавжуд: хом ашёга бой юртимиз. Энг муҳими, эътиқодли ва меҳнаткаш халқимиз бор. Наҳотки, жаҳон андозаларига мос, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қўлимиздан келмайди? Ҳали-ҳануз муддати ўтган, эскирган, «усти ялтироқ, ичи қалтироқ», хорижда ўтмас товарлар юртимизга оқиб келишда давом этаверадими? Йўқ, биз ҳам зўр қилиб тайёрлай оламиз. Фақат иштиёқ ва изланиш керак, холос.

Яқинда бир фирма тақдимот маросимида хорижлик ишбилармон билан танишиб қолдим. Гап-сўз авзоида мавзу конвертация масаласига келиб тақалди.

— Ўзи нима олиб келиб сотасиз? — сурадим ундан.

— Нима бўларди, сизларга зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан спагетти...

— Ие, тўхтанг, макарон демоқчисиз-да. Шу маҳсулотни ишлаб чиқарадиган технологиясини олиб келсангиз кўпроқ фойда кўрмайсизми?

— Эҳе, нима деяпсиз ўзи? Мен қачон у технологияни олиб келиб ўрнатаману, қачон фойдасини оламан. Бизга тез ва нақди яхши-да — тайёрини сотасиз, вассалом. Лекин, узоқ муддатли ҳамкорликни кўзлаган ишбилармон сиз айтган йўлдан бориши керак. Мен эса бир воситачи фирма вакилиман, холос...

Дарҳақиқат, юртимизда иш юритаётган фирмалар кўп. Айнан воситачилик билан шуғулланаётганлари 1400 дан зиёд экан. Улар баъзан Ғарб давлатларида ўтмай қолган молларни бизнинг бозоримизга тиқиштиришмоқда ва бунинг эвазига мўмайгина даромад ҳам кўришмоқда. Энди бундай «устамон» фирмалар фаолиятига чек қўйиш пайти келамадимикин?

Таъкидламоқчимиз: Ўзбекистон эшиклари узаро манфаатли ҳамкорлик қилмоқчи бўлган хорижлик ишбилармонлар учун ланг очиқ. Айниқса, юртимизга замонавий технология келтириб, бизнинг хом ашёдан биргаликда жаҳонбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бел боғлаганларга ниятингиз йўлдошингиз бўлсин деймиз.

Бизда чет эллик тадбиркорлар фаолиятини белгилайдиган қонунлар, ҳуқуқий кафолатлар мавжуд. Шу боис ҳам кейинги пайтда Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятига ишониб, мамлакатимизга сармоя сарфлаётган ғарб ва шарқ ишбилармонлари сони ортиб бормоқда. Улар ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилмоқдалар. Қурасиз, ҳамкорлик бугун-эрта ўз натижасини бериши тайин. Нима бўлганда ҳам, янги технология — экспортга кенг йўл очади. Бу эса мамлакатимизнинг «MADE IN UZBEKISTAN» ёрлиғи билан жаҳон бозорига кириб боришини таъминлаши шубҳасиздир.

Асриддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми . Боши 1-бетда).

ерда меҳнат сарфи анча-мунча баланд.

Учинчидан, вилоят асосан механизациялашган сунъий каналлардан фойдаланади. Бу деҳқончиликдаги қийинчиликларни яна ҳам оширади, харажатни кўпайтиради.

Ана шундай шароитда меҳнат қилиш, уруғ экиб ҳосил олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. **Бунинг учун бухоролик деҳқонларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта.**

Ва бугунги фурсатдан фойдаланиб, меҳнаткаш Бухоро аҳлига, заҳматкаш деҳқонларига самимий миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Лекин, минг афсуски, ҳукуматнинг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш борасидаги жуда муҳим қарорини бажаришга вилоят раҳбарияти етарли эътибор бермаяпти. Очиқроқ қилиб айтганда, улар ҳозирги туб ислоҳотлар мағзини тушунмаяпти.

Дон етиштириш топшириғи атиги 77 фоизга бажарилди, холос. Суғориладиган майдонлардаги ҳосилдорлик 25 центнердан ошмади.

Ромитан, Пешку, Когон, Олот ва Қоровулбозор туманларида ҳосилдорлик 22-23 центнерни ташкил этди. 40 дан ортиқ хўжаликда ҳосилдорлик 20 центнерга ҳам етмади.

Дончиликни ривожлантириш, ғалла мустақиллиги давлат сиёсати. Бунга монелик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бироқ вилоятда ғаллачиликка иккинчи даражали масала деб қаралмоқда.

Ғалла экинларига сифатсиз, сув етишмайдиган ёки лалми жойлар ажратилмоқда. Ҳисоботда ғалла экилди деб кўрсатилган ерга пахта экилмоқда.

Бу кўзбўямачиликнинг сабабини икки ярим йил олдин худди шу залда айтган эдим: ер оборотидан яшириб қолинган ёки аслида суғориладиган ғаллага аталган майдонларга чигит экиб, гектарни кам кўрсатиб, шунинг ҳисобидан пахта ҳосилдорлигини кўтармоқчи бўлишади.

Бу нима — ўзини алдашми, халқни алдашми, давлатни алдашми? Қандай тушуниш мумкин?

Афсуски, шунча гапдан сўнг ҳам ғаллачиликда ёлғон ва хиёнат давом этмоқда. Гектарига 250 килограмм ўрнига 150-200 килограммдан уруғ ташланмоқда. Масалан, Олот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида суғориладиган ернинг ҳар гектарига 185 килограммдан уруғ экилгани аниқланди. Буни қандай тушуниш керак? Бу учун ким жавоб бериши керак?

Ғалла ҳақида сўз борар экан, яна бир фикр билан сизларга мурожаат қилмоқчиман. Ҳаммамиз биламиз: Ўзбекистон шароитида фақат кузги ғалладан мўл ҳосил олиш мумкин.

Янги ва серҳосил буғдой навларини экиб, кўкартириб, парвариш қилиб, асраб-авайлаш, бу — энг аввало, янги мавсумда шу хўжалик аъзоларининг, умуман, шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган одамларнинг ризқу рузини яратиш эмасми?

Кузда дон экиб, қанча кўп ҳосил олсак, одамлар ҳам шунча кўп даромад олади. Хўжалик аъзоларининг насибаси, ҳаёти бут бўлади.

Шундай экан, хўжаликда ишлайдиган ва яшайдиган одамлар учун кузги ғаллани асраб-авайлаш ва парвариш қилиш ҳаётий зарурат, ҳаётий мақсад эмасми?

Нима учун мен бу масалани қуйиниб гапиряпман?

Ҳеч ақлга сиғмаётган бир ҳолни менга тушунтириб беринглар. Нима учун деҳқон шунча катта ишонч ва умидлар билан, пешона тери билан эккан, энди кўкарган ниҳолларга бировлар сигирини, бузоғини қўйиб юборади, пайҳон қилади?!

Бу — **биринчидан.**

Иккинчидан, нима учун шу хўжалик аъзолари бўлмиш, шу хўжалик эгалари бўлмиш одамлар бу номаъқулчиликларга бепарво қарайди? Кўра-била туриб, чорасини кўрмайди?

Нима учун кузги ғалла экилган майдонларни, халқимизнинг ризқу рўзи экилган майдонларни биз мелиса қўйиб кўриқлашимиз керак?

Бу аҳволга қуйинмасдан, ёнмасдан бўладими? Бу аҳволни ақли соғ одам қандай тушуниши мумкин?

Ғаллани пайҳон қилиш қип-қизил нонкўрлик, нонтепкилик эмасми? Гуноҳ эмасми? Уволи тутмайдими?

Хўжалик эгасиман деб гердайиб юрган раисларни қандай тушуниш мумкин?

Бундай нонкўр кимсаларга қарши ҳокимлар нима чора кўряпти?

Пахтачилик бўйича бу йилги режа вилоятда 89,5 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик 1993 йилга нисбатан 6,3 центнерга камайди.

Пахтани қайта ишлаш борасидаги нуқсонлар ҳам анчагина. Йилдан-йилга тола олиш миқдори камайиб кетмоқда. Ўтган йили режадагидан 1,2 фоиз кам тола олинди. Режада белгиланганидан икки баравар ортиқ ёки 12,6 фоиз чиқимга (угар) йўл қўйилган. Бу вилоят бўйича 44 минг тонна пахтани ташкил қилади.

Бу тасодифий эмас, албатта. Бундан кимлар манфаатдор бўлиб, кимлар жабр кўрмоқда — бу масалага аниқлик киритиш керак. Мутасадди ташкилотлар ва органлар бунинг негизига етиб бориши вақти келди.

Чорвачилик соҳасида тўпланиб қолган муаммолар ҳам тобора мураккаблашиб бормоқда. Вилоят хўжаликларида гўшт етиштириш ўтган йилга нисбатан 25 фоиз, сут ишлаб чиқариш 47 фоиз камайди. Қорамоллар сони салкам 24 минг бош, сигирлар сони 4 минг бош, қўй-эчкилар сони қарийб 125 минг бош озайди. Масаланинг ташвишли томони шундаки, гўшт, сут етиштириш ва моллар сонининг камайиши деҳқон-фермер хўжаликларида ҳам содир бўлмоқда.

Чорвадорлар, фермерлар ҳар қадамда масъулиятсизликка, расмиятчилик ва таъмагирликка дуч келмоқда. Кирган идораларида мушкули ҳал бўлмай, сарсон бўлиб юришибди.

Вилоятда шу йил ем-хашак тайёрлаш режаси аранг 63 фоизга бажарилди. Озуқа сифати ёмонлашмоқда. Бундай аҳвол билан чорвачиликни ривожлантириб бўлармиди?

Ҳурматли депутатлар!

Бухоро вилоятидаги деҳқончилик тармоқларининг аҳволи мураккаблиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Бундай инқирозли ҳолатдан чиқиш учун кескин чоралар кўрмасдан, биринчи навбатда, ернинг, тупроқнинг унумини, унинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, ариқ-зовурларни тозаламасдан, дренаж ишларини бажармасдан, ер ости, шўр сувларни пасайтирмасдан, деҳқончилик маданиятини оширмасдан ҳеч нарсага эришолмаймиз.

Шу билан бирга илғор технологиялар жорий қилинмаса, эртага аҳволимиз янада қийин бўлиши муқаррар. Буни англамасдан, тушунмасдан бугунги замонда иш олиб бориш мумкин эмас.

Масалан, бугун мамлакатимизда пахтани плёнка остида ўстириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Унинг афзаллигини Андижон ва бошқа вилоятлар мисолида яққол кўриш мумкин. Охирги мавсум бу усулнинг самарасини жуда яхши намоён қилди. Хўш, Бухоро вилояти бу борада бирор жиддий ҳаракат қиляптими? Афсуски, бундай ҳаракат йўқ, ҳисоби.

Яқинда Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари бирлаштирилди. Бу шунчаки, навбатдаги тадбир эмас. Биз Бухоро каби вилоятлардаги аҳволни, унинг келажагини ўйлаб шу ишни қилдик. Бу агросаноат тизимида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Энг муҳим масала — сув хўжалиги, сув иншоотлари, ирригация ва мелиорация ишлари, бунга сарф қилинган маблағлар, аввалambor, деҳқончилик самарасини ошириш мақсадида қилинмоқда.

Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги тармоқлари ва идоралари, асосан, бюджетдан маблағ олиб, ҳеч нарсага жавоб бермай яшарди. Тўрачилик, текинтомоқлик ва боқимандалик улар фаолиятида одат тусига кириб қолган эди. Ваҳоланки, айни ҳосилнинг самараси, тақдири улар билан боғлиқ.

Мана энди қабул қилинган чора-тадбир ҳар бир қадамни ўйлаб босишга, ҳар бир гектар экин майдони тақдирига жавобгарликка, пировард натижада эса агросаноат тизимининг истиқболи учун, деҳқончиликка мутасадди барча ташкилот ва уларнинг раҳбарлари масъулиятини оширишга олиб келиши керак. Қатъий жавобгарлик бор жойда ишда қутбарака бўлади. Бу — шубҳасиз.

Лекин бу ўзгаришлар, ислоҳотларнинг негизини, маъно-моҳиятини вилоят раҳбарлари яхши англайдими, йўқми — гап ана шунда.

Вилоятнинг молиявий аҳволи кўнгилдагидек эмас. Шу йилнинг 1 ноябрига қадар дебитор қарзлар миқдори 2,5 миллиард сўмга, кредитор қарзлар эса 2 миллиард 800 миллион сўмга етди. Бу вилоятдаги баъзи корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий равнақига тўсиқ бўлмоқда.

Пул муомаласига жиддий эътибор берилмаяпти. Вилоятда муомаладаги ҳар 3 сўмдан 1 сўми банкка қайтиб келмаяпти. Ўтган 11 ой мобайнида пул эмиссияси 64 фоиздан ошиб кетди. Бу рақам Қоровулбозор туманида салкам 92, Олот туманида 81, Шофиркон туманида 77 фоизни ташкил этади.

Мен вилоят раҳбарлари ва тегишли фаоллардан бир нарсани сўрамоқчиман: қани, айтингларчи, қўлида пули бор одам қаёққа бориб савдосини қилади, қаерда ўз юмушларини битиради?

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида кўпчилик ишлар хўжакўрсин қабилида бўлса, дўконларнинг пештахталари бум-бўш, савдо ташкилоти номи ва мулкчилик шаклининг ўзгаргани билан, иш эскича услубда ташкил этилаётган бўлса, умуман, одамларнинг, харидорларнинг эҳтиёжи ва дардидан узоқ бўлса, бечора одамлар кимга борсин, кимга доду фарёдини айтсин?!

Солиқ хизмати ходимлари томонидан шу йилнинг 10 ойи мобайнида ўтказилган 1100 текширувдан 850 тасида касса аппаратларини ишлатишдаги жиддий камчиликлар аниқланган, 780 киши маъмурий жавобгарликка тортилган.

Солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ҳоллари тобора кўпаймоқда.

Айни пайтда текширилган 5276 корхона, ташкилот ва фирмадан 3451 тасида турли қонунбузарликлар рўй берганлиги аниқланди. Натижада 167 миллион сўм қўшимча солиқ ундириб олинди.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш жон бошига 760 сўмни ташкил этади, холос. Бу кўрсаткич Когон туманида 62,8, Шофирконда 173, Жондорда 180, Вобкентда 248, Олотда 200 сўмни ташкил этади.

Вилоятдаги 1531 қишлоқда атиги 21 та маиший техникани таъмирлаш, 9 та соатсозлик устахонаси, 63 та суратхона, 92 та телевизор ва радио тузатиш устахонаси, 7 та кимёвий тозалаш пункти мавжуд, холос.

1531 қишлоқда бор-йўғи 135 та ҳаммом бўлиб, шундан 97 таси умуман ишламайди. Текширув пайтида Вобкент туманидаги 19 та ҳаммомнинг биронтаси ҳам ишламаётганлиги аниқланди.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси анча паст. 397 фельдшерлик-акушерлик пунктларининг 313 таси нобоп биноларда жойлаштирилган. Уларнинг 25 фоизи очиқ сув ҳавзаларидан, қолганлари эса қудуқлардан фойдаланади.

Ичимлик суви сифати ёмонлиги аҳоли соғлиғининг кескин ёмонлашишига, юқумли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. 15—17 ёшли мактаб ўқувчилари тиббиёт кўригидан ўтказилганда уларнинг 20 фоизидан ортиғи турли касалликлар билан оғриганлиги аён бўлди. Маҳаллий ҳокимият органлари бунга жиддий эътибор бермаяпти. Қишлоқларнинг 23 фоизигина водопровод билан таъминланган. Айниқса, Олот, Қоракўл, Когон, Ғиждувон, Вобкент туманларида бу аҳвол янада аянчли.

Ҳурматли дўстлар!

Бухоронинг халқимиз, миллатимиз маънавиятида тутган ўрни ҳақида гапиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу қадим ва буюк маскан юксак маданият ва маънавият маркази бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоғи керак.

Биз ўтмишимизни муносиб қадрлаган, улуғ аждодларимиз қадру қимматини ўз ўрнига қўйган ва келажагимизни аниқ кўра олган, тинимсиз ҳалол меҳнат қилган ҳолда, тараққиёт, истиқбол сари юришимиз мумкин.

Инсон онги ва тафаккури билан боғлиқ, унинг маънавий ва маърифий даражасини белгилайдиган омиллар ҳисобга олинмас экан, ислоҳотлар асло самара бермайди.

Бухоро вилоятида бугунги кунда бир университет, икки институт, 14 та ўрта-махсус билим юрти мавжуд. Уларда 10 мингга яқин йигит-қиз таълим олмоқда. Халқаро юксак талабларга мос келадиган, ҳар томонлама билимли, меҳнатга ижодий ёндашадиган кадрларни тайёрлаш учун барча имкониятлар бор. Лекин бундай имкониятлардан тўла фойдаланиш, ўқув масканларини ҳақиқий **маънавий тарғибот ўчоғи—марказига айлантириш раҳбарларнинг хаёлига ҳам келмайди.**

Талабалар ўртасида сўров ўтказилганда айрим профессор-ўқитувчиларнинг таъмагирликлари, уларнинг педагогик ва илмий савияси пастлиги маълум бўлди.

Бундай вазият ҳар томонлама баркамол авлодни ўстириш мақсадида қилаётган эзгу ишларимизга қандай путур етказишини ким тушунади?

Вилоятда мавжуд умумтаълим мактабларининг 32 фоизидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган, 55 та мактаб авария ҳолатида. Янги, замонавий мактаблар қуриш кескин камайган.

Мактабларнинг асосий қисми газлаштирилмаган, ичимлик суви билан таъминланмаган, баъзи мактабларда спорт заллари нари турсин, ҳатто спорт майдончалари ташкил этилмаган. Мактаб ошхоналари ночор аҳволда.

Айрим мактаблардаги кутубхоналар, кўргазмали ташвиқот воситалари эски замонни эслатиб турибди. Бу бевосита бизнинг миллий истиқлол мафкурамизга зид бўлиб, фарзандларимиз дунёқарашининг шаклланишига катта зарар етказмоқда.

Жондор туманидаги 3-мактаб деворида ҳозиргача Михаил Калининнинг **«Рус тили — буюк Ленин тили»** деган гаплари шиор қилиб осиб қўйилганини қандай тушуниш мумкин?

Шу тумандаги 4-мактаб кутубхонасида Ленин ҳақидаги китоблар аввалаб-асраб сақланаётгани ҳолда, Ўзбекистоннинг янги ҳаёти ҳақидаги, бугунги замон ва истиқболимизга тегишли адабиётлар умуман йўқ. Айрим биноларда пештоқида «Октябрга шоншарафлар!» деган шиорлар ҳамон ярқираб турибди!

Шу дунёқараш билан, шундай тафаккур тарзи билан биз узоққа бора оламизми? Зиё масканида, илм ва маърифат ўчоғида ҳаёт шу тарзда бўлса, бошқа жойларни қандай тасаввур қилиш мумкин?

Ўқитувчи кадрларга бўлган муносабат яхши эмас. Жорий йилнинг шу давригача 220 нафар ўқитувчининг шахсий уй-жой қуриш ҳақидаги аризаси қондирилмаган.

Азиз дўстлар!

Мактабларнинг ҳолати, халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш юзасидан нуфузли йиғилишларда кўп марта гапирилди. Аммо Бухоро вилоятида шу муҳим талабга бефарқ қаралмоқда. Вилоятда зарур техник воситалар ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган намунали мактаблар жуда оз.

Бу соҳага мутасадди ва масъул ходимларга талаб қўйиш, зарур бўлса, жавобгарликка тортиш вақти келмадими?

Маданият бизнинг умумий тафаккуримизнинг, миллий қадриятларимизнинг асосидир. Бунда клублардан фойдаланиш, улар хизмати самарадорлигини ошириш, уларни ҳаётда ҳақиқий маданият ўчоғига айлантириш каби масалалар раҳбар ва мутасадди фаолларимизнинг хаёлига ҳам келмайди.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб улғайтириш учун шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бинобарин, бунга монелик қиладиган, уни тан олмайдиган кишилар билан асло муроса қилолмаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласини қайтадан кўриб чиқиш керак. Гарчи, мамлакат миқёсида фаолият кўрсатаётган футбол жамоаси учун бирмунча шароит яратилган бўлса-да, жойларда аҳвол анча оғир. Қишлоқлардаги стадионлар яроқсиз аҳволга келиб қолган, етарли спорт анжомлари билан таъминланмаган. Тренер кадрлар етишмайди.

Дўстлар!

Бухоро — қадимий ва мўътабар шаҳар. У — бутун инсоният маданияти ва тарихида улкан ўрин тутувчи муқаддас маскан. Дунёда миллион-миллион кишилар Бухорони зиёрат қилиш, уни тавоф этиш орзуси билан яшамоқда. Бошқача айтганда, Бухоро халқаро туризм учун жозибали манзиллардан биридир. Бироқ ана шундай катта имкониятдан унумли фойдаланилмаяпти.

Ҳолбуки, туризмни ривожлантириш хорижий сармояларни жалб этишнинг муҳим ва самарали воситасидир. Биз Бухорода улуғ аждодларимиздан қолган беқиёс меросни дунёга намоён этиш билан бирга, бу борада муайян фойда топиш хусусида ҳам жиддий бош қотиришимиз зарур.

Афсуски, бу соҳадаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Айни пайтда шаҳарда 1843 ўринга эга бўлган 6 та меҳмонхона ишлаб турибди. Шундан 2 таси халқаро андозаларга жавоб беради. Бироқ, ана шу имкониятнинг атиги 8 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Бу нима деган гап?!

Туризм билан шуғулланаётган мутасаддилар сайёҳлар сонининг бирмунча кўпайгани билан ўзларини овутиб юрибдилар. Ваҳоланки, бу соҳада кескин ўзгариш ясаш, туб ислоҳотларни амалга ошириш вақти аллақачон келган! Соҳа раҳбарлари нимани кутишяпти?

Ҳурматли халқ ноиблари!

Қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғинидир.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида жиноятлар сони жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 1995 йилнинг шу даврига қараганда 4,5 фоиз камайган. Бироқ бу етарли эмас.

Жазо ўташ жойларидан қайтиб келган шахсларни иш ва турар-жой билан таъминлаш, уларни ҳаётга қайта кўниктириш ишлари етарли ташкил қилинмаган. Бу ўринда ҳокимлар қошидаги кузатув комиссияларининг ишлари уларнинг қонуний ваколатларидан тўлиқ фойдаланмаётганлигини кўрсатди. Шу боисдан жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар томонидан жиноят қилиш ҳолатлари шу йилнинг ўтган даврида анча ошган.

Вояга етмаганлар содир этган жиноятлар 130 тадан 134 тага қадар кўпайган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноятга қўл урган ўсмирларнинг деярли ярмини ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар ташкил қилади.

Бир нарсага ҳайрон бўлади одам: бундай ҳолда юрган болларнинг ота-онаси борми ўзи ёки йўқми? Уларнинг жамоа олдидаги масъулияти ва жавобгарлиги қандай? Умуман, жамоатчилигимизнинг бундай ўта муҳим масалаларга ёндашиши қандай?

Профилактик ишларнинг етарли эмаслигидан вилоятда спиртли ичимлик ичиб жиноят содир қилиш ҳолатлари кескин ўсган.

Айни вақтда вилоятда зўрлаб номусга тегиш 1995 йилнинг 10 ойига қараганда 24,3 фоиз, безорилик 5 фоиз кўпайганлиги қайд этилган.

Охирги вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоларнинг ниқобланган оғир жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятида бирмунча самарадорликка эришилди. Порахўрлик, товламачилик, қонунсиз равишда қуроллаштириш ва гиёҳвандлик моддаларини сақлаш жиноятларини очиш кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди.

Бухоро вилоятидаги судлов идораларида чиқарилган ҳукм ва ҳал қилув қарорлари бирмунча барқарорлашганлиги билан бир вақтда судларда жиноий ва фуқаролик ишларини кўришда асоссиз ва қонунсиз судлов ҳужжатларининг қабул қилинишига чек қўйилмаган.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишидаги муаммолардан бири кадрларни танлаш ва тайинлаш масаласидир. Фақатгина 1996 йилнинг ўзида вилоятда 3 милиция ходими ва бир нафар судьянинг пора олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу соҳадаги ишлар жиддий нуқсонлардан ҳоли эмаслигини кўрсатади.

Биз биринчи галда инсонни қонун билан муҳофаза қилишимиз, унинг яшаш ҳуқуқини кафолатлашимиз ва имкониятларини кенгайтирмоғимиз керак. Қонун устувор бўлган жойда адолат барқарор бўлади. Қонун мустаҳкам бўлган жойда ҳаётимизда аниқ тартиб-интизом, турмушимизда ҳаловат мустаҳкамланади.

Азиз дўстлар!

Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласида ҳам аччиқ, танқидий гапларни айтишга тўғри келади. Ўрта бўғин раҳбарларини аттестациядан ўтказиш якунлари уларнинг асосий кўпчилиги эскича ишлаётганини, янги замон моҳиятини етарли даражада тушуниб ололмаганлигини кўрсатмоқда. Вазифаларни ҳал этишда, муҳим муаммоларни бартараф қилишда ижодий ёндашиш, ўзига хос иш услубини қидириш хусусиятлари етишмайди.

Туманларнинг ҳокимлари асосан пахта ва дон етиштириш билан шуғулланишади, холос. Ваҳоланки, улар ўз туманларидаги ҳар бир кишининг ташвишига шерик бўлишлари, ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари учун масъул ва жавобгар эканликларини чуқур тушунмоқлари даркор.

Шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари ҳам асосан кундалик ишлар билан ўралашиб қолиб, ўзлари масъул бўлган соҳалар билан шуғулланишга вақт топа олмаяптилар. Вилоят ҳокимининг **«Маънавият ва маърифат»** жамоатчилик марказини ташкил этиш бўйича қарори Ромитан тумани ҳокимиятига ҳалигача етиб келмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Кадрларни ўрганиш мақсадида ўтказилган аттестация ва суҳбатдан 290 нафар ўрта бўғин кадр, жамоа ва уюшмалар раисларидан 105 нафари шартли равишда ўтказилган, 24 нафари эса ўз лавозимига нолойиқ деб топилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти талабга жавоб бермайди. Уларнинг 73 фоизи олий маълумотга эга эмас.

Кадрларнинг кўпчилиги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. Ўз ҳудудларида фаол иш юритишга етарли даражадаги тажриба ва кўникмалари йўқ.

Аввал айтиб ўтилганидек, айрим жойларда «Ривожланган социализм» даврининг шиорлари ҳамон ўз кучида турибди. Бу маҳаллий давлат органларининг мафкура соҳасида олиб бораётган ишларини етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар моҳияти очиб берилмаяпти. Ҳукуматимизнинг туб иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш борасида ишлаб чиқаётган чора ва тадбирлари аҳолига етказилмаяпти. Шу иш билан шуғулланувчи кадрларнинг ўзи, аслини олганда, махсус тайёргарликка муҳтож. **Уларнинг ўқувини ташкил этишга, миллий истиқлол маънавиятини ҳар бир фуқаронинг, қалби ва онгига етказишга жиддий эътибор берилмаяпти. Маҳаллий зиёлилар фаолиятидан ва имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти.**

Азиз юртдошлар!

Бухоро вилоятида йўл қўйилган нуқсонларнинг сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий. Бунга лўнда қилиб, битта жавоб бериш мумкин: **асосий камчилик кадрлар масаласи тўғри ҳал этилмаганида.**

Янада очиқроқ айтадиган бўлсак, **Бухоро вилоятида серандишалик ва мулойимлик сиёсат даражасига кўтарилганлиги, талабчанлик, зарур ҳолларда қаттиққўллик йўқлигидир.**

Албатта, андиша, муросаю мадора ҳам керак, қадр-қимматни жойига қўйиш ҳам керак. Булар барчаси — ота-бобомиздан, қолган удум. Аммо, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганларидек, **«...Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир».**

Бухоро вилоятида шундай аҳвол вужудга келдики, вилоят раҳбарлари ҳам, туман раҳбарлари ҳам бир-бирига қараб туради, камчиликни гапирмайди, орани бузгиси келмайди, зиммасига юкланган ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди.

Бошлаган режаларни охиригача етказмайди, ишга чанқаб турган одамларни атрофида жипслаштириб, барчани эзгу ишларга, қолиб кетаётган долзарб муаммоларга жалб этмайди.

Бухоро вилоятининг шундай катта потенциал билан оқсаб қолгани уларни ташвишга солмайди. Шундай катта имкониятларни ишга солиш уларнинг хаёлига ҳам келмайди.

Баъзи жамоалар, корхоналар раҳбарларининг юриш-туришини, кийинишини, савлату салобатини, юзидан ёғ томиб турганини кўриб, хўжалик ишлари ҳам, даромади ва одамларининг ҳаёти ҳам худди шундай бўлса керак, деган хаёлга борасан. Минг афсуски, кўп жойларда аҳвол мутлақо тескари бўлиб чиқади. Хўжаликда даромаддан дарак ҳам йўқ, қарз устига қарз, одамлари ҳароб аҳволда яшаётганига гувоҳ бўламиз. Халқимизнинг иборасини ишлатганда, бундай раҳбарларни сирти ялтироқ, ичи қалтироқ десак, хато бўлмайди.

Раҳбарнинг ўзи куйиб-ёниб ишлаётганини кўриб жамоа ҳам унга эргашади, ҳақиқатдан ҳам жамоа бўлиб, ўзаро ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлай бошлайди.

Ҳар қайси ҳокимнинг энг муҳим бурчи — бундай раҳбарлардан чўчимасдан, рашк қилмасдан, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, кўмаклашиш, уларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилишдир.

Афсуски, кўп район ва вилоят раҳбарлари бундай кишиларни кўра олмайди, ёрдам бериш ўрнига йўлига тўсиқ бўлади. Бундай эскилик сарқитидан жудо бўлишимиз даркор.

Яна бир қусур — яхши маънодаги мусобақа кайфияти, ғурурнинг йўқлиги. Самарқанд билан Бухоронинг ораси унчалик узоқ эмас. Самарқанд кўчаларини, қурилаётган иншоотларни, уйларни, таъмирлаш ва ободончилик ишларини Бухоро вилояти раҳбарлари ҳам бориб кўрган. Очиқ айтишимиз керак, Самарқанд манзараларининг файзи бошқача. Афсуски, Бухорода бу аҳволни кўрмайсиз.

Албатта, мен Самарқанддан нусха кўчиринглар, Тошкентдан нусха кўчиринглар деб ташвиқот қилмоқчи эмасман. Бухоронинг ўз йўли, ўз услуби, қўли гул усталари бор. Шуларнинг бошини бирлаштириб, ободончиликка, бунёдкорликка сафарбар этадиган фидойи одамнинг ўзи йўқ.

Аччиқ бўлса ҳам айтишим керак: Бухоро вилоятида замонавий бозор иқтисодиёти шунчаки номига бор, холос. Раҳбар кадрлар умумий гаплардан нарига ўтмаяпти. Энг ёмони — шундай ташкилотлар ҳам борки, уларнинг шакли ўзгаргани билан мазмуни, моҳияти мутлақо ўзгармаган. Илғор тажрибани ўрганиш, шу асосда ташаббус билан чиқиш йўлга қўйилмаган.

Бугунги кун ўтса бас — эртага худо пошшо, деб қачонгача юрамиз?!

Бухоро вилоятида ҳам узоқ муддатга мўлжалланган дастур, режалар борми ўзи? Ёки эски замондагидек ҳазил-мутойиба, латифабозлик қилиб, ясама қувноқлик билан яшайверамизми?

Андишанинг ҳам жойи бор. Улфатчиликнинг ҳам жойи бор. Талабчанлик бўлмаса, қатъият бўлмаса, бу ҳолда вилоятнинг келажаги нима бўлади?

Бугун раҳбар киши осойишта ўтирадиган замон эмас. Вилоятнинг айрим туманларида аҳоли сони жуда тез ўсиб кетяпти. Камол топаётган авлодни иш билан таъминлаш, уларнинг келажагини ўйлаш, керакми ёки йўқми? Бу аҳволда одамларнинг раҳбариятга ишончи қолмайди-ку?

Яна бир эски аломат, қусур ҳақида сўзламоқчиман. Эски шўролар замонидан қолган бир сарқит борки, баъзи бир мансабпарастлар ўз қариндошлари ва шерикларини мансабга ўтказиш учун ўзаро бирлашиб, ўзаро кўмак уюштириб, вилоятда олиб борилаётган ички сиёсатга таъсир ўтказишга уринадилар.

Буларни гуруҳ эмас, қабила деб атасак тўғри бўлади. Бухорода ҳам шундай қабила бор. Эски замонда катта ишларда ишлаганлар, собиқ райком секретарлари пул тўплашга ружу қўйган эски савдо доҳийлари, маъмурий ташкилотларда ишлаган ва, умуман, зўравонликка ўрганиб қолган кимсалар отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмасдан, вилоят, туман ҳокимларига тазйиқ ва таъсир ўтказмоқчи бўладилар.

Улар ўз яқинларини мақтаб, мансаб пиллапоясига эмаклаб чиқишлари учун муҳит яратадилар. Энг ёмони— ўзларига маъқул келмаган одамларнинг белини синдириш учун пинҳона ҳар хил бўҳтон-уйдирма гапларни тарқатадилар. Айрим ҳолларда ўз ниятларига эришадилар ҳам.

Мен бу гапни Наманган вилоятида ҳам айтган эдим. Бугун яна такрорлаб айтаман. Бунақа кимсаларга нисбатан бизнинг сиёсатимиз қуйидагича: **кимки қачон ва қаерда ишлаган бўлмасин, қайси юксак лавозимда ва қанча кўп йил ишлаган бўлмасин, қандай ишларни, шу жумладан, номаъқул ишларни қилган бўлмасин, уларнинг кетидан қувиш, эски гуноҳларини кавлаш, уларга «компромат» йиғиш, уларнинг ҳаётини бузиш, бола-чақасига, қариндош-уруғига тазйиқ ўтказиш бизнинг мақсадимизга, сиёсатимизга мутлақо зид.**

Улар ўз ҳолини билиб, қилган гуноҳлари учун Оллоҳга чин кўнгилдан тавба-тазарру қилиб ўтираверсин.

Биз мафкуравий сиёсатбозликдан батамом воз кечганмиз. Кимкимнинг авлоди бўлишидан қатъи назар, аввалambor, унинг ишга муносабати ва меҳнатга ташналиги, қобилияти ва ташкилотчилиги, одамгарчилиги ва бугунги кун талабларига жавоб бериши керак бўлса, юртга, жамоага қилган хизматига қараб баҳо берилади. Республика даражасида ҳам, вилоят, туман даражасида ҳам, хўжалик ва қишлоқ даражасида ҳам ана шу нарса асосий мезон бўлиши керак.

Бугун замон ўзгарди. Эскича фикрлайдиган кадрлар бугунги сиёсатимизга мутлақо тўғри келмайди. Яъни лаганбардор, хушомадгўй, ҳар қандай топшириққа ҳам ўйламасдан «Лаббай!» деб жавоб берадиган, ўз фикри йўқ, аммо ўзидан каттароқ амалдорнинг бемаъни фикрини ҳам сиёсат қилиб олувчиларга энди орамизда ўрин йўқ.

Икки қўлини кўксига қўйиб таъзим бажо этувчи «мулозим»ларнинг замони ўтди.

Бугун уларни Президент эмас, замон қабул қилмайди. Яна такрорлаб айтаман: замон уларни қабул қила олмайди.

Ўз фикрига эга бўлганлар, дунёқараши кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлганлар, энг муҳими, жамоат манфаатларини ўзининг шахсий манфаатидан устун қўядиганлар, қатъиятли, ориятли, ташкилотчи, эл-юрт дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди.

Қани энди шундай мардлар юртимизда кўп бўлса!

Санаб ўтилган фазилатларни мужассам этган йигит ва қизларни топиш, танлаш, ўз жойига қўйиш—бугунги кадрлар сиёсатининг негизи бўлмоғи даркор.

Хўш, бизнинг сиёсатимиз шундай экан, эскича фикрда ғимирлаб юрган одамларга савол беришимиз керак: **нима қиласизлар гуруҳбозлик қилиб? Ўз одамини олға суриш, ҳар хил фитна, фиску фасод, соғлом муҳитни бузадиган гапларни кўтариб юришдан энди фойда йўқ. Энди бу гаплар кетмайди.**

Ҳамма гап вилоятнинг ҳақиқий эгаларини, ҳақиқий юртпарварларини топиш ва ўз жойига қўйишда.

Яхшининг қадрини халқ билади, ҳалқнинг тақдирини мард билади, деган нақлнинг маъно-мазмунини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Менинг бир нарсага иймоним комил: юртимизда халқимизнинг дарду ғамини юрагидан ўтказиб, унинг қадрига етадиган фидойи раҳбарлар кам эмас.

Улар

Долзарб мавзу

БАЛИҚ ГЎШТИ АНҚОНИНГ УРУҒИМИ?

Халқимиз балиқни «Луқмаи ҳалол» деб бежиз айтмайди. Дарҳақиқат, балиқдан тайёрланган таомлар ҳамиша дастурхонимиз кўрки бўлиб келган.

Мамлакатимиз ҳудудидан балиқ заҳиралари бўлган қатор дарёлар оқиб ўтади. Ундан ташқари, бир қанча сунъий ҳавзалар, кўллар, балиқчилик хўжаликлари мавжуд.

Бундан 50 йил муқаддам Тошкент яқинидан, Зангиота тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган Ачисой қирғоқларининг сув босган ўтлоқларидан республикамизда биринчи балиқ етиштирувчи хўжалик қурилиши учун жиндай ер ажратилган эди. Қодир Шарипов бошлиқ тўқиз азамат «Дамачи» ботқоқликларида ишни бошлаб юборишди. Ўша йили уюшган кичик жамоа биринчи «ҳосил»ни кўтарди. Албатта, кўп эмас гектаридан 20 кг.дан», жами 1210 кг. балиқ олинди. Аммо бу кўрсаткич ўша пайт учун катта ғалаба эди. Сўнгра, иккинчи, учинчи ҳавзалар пайдо бўлди.

Аввалига зоғора балиқ, дўнг пешона боқилди, кейинроқ Хитойдан келтирилган оқ амур балиғи кўпайтирила бошланди. Яқинда эса ушбу хўжалик жамоаси мулкчиликнинг очиқ турдаги ҳиссадорлик шаклига ўтди. Эндиликда у очиқ турдаги «Дамачи» ҳиссадорлик жамияти деб юритилмоқда. Хўш, ном ўзгаргач, ишлар қай йўсинда ўзгарди? Биз буни жамият раҳбари Жаҳонгир ҲОШИМОВдан бир қанча саволлар орқали сўрадик.

— Жаҳонгир ака, республикамиз вилоят ва туманларида, шаҳарларида баликдан тайёрланган маҳсулотлар тақчил бўлиб қолди. Уларни, ҳатто дўконларда, умумий овқатланиш корхоналарида ҳам камдан-кам учратиш мумкин. Бундай аҳвол балиқ етиштириш, овлаш ва сотиш жараёнлари издан чиққанлигини кўрсатувчи сабаб эмасмикин?

— Тўғри таъкидладингиз. Балиқ етиштириш — узоқ ва машаққатли жараён. Бу иш катта укув ва тажрибани талаб қилади. Балиқчи гидротехника ва биологиядан хабардор бўлиши, балиқларда учрайдиган касалликларни ўз вақтида илғай олиши керак.

Кейинги йилларда кўп жойларда балиқ овлаш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажми кўпайиш ўрнига йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунинг битта асосий сабаби бор. У ҳам бўлса, балиқ тутиш устидан назоратнинг йўқлигидир. Оқибатда ушланган балиқнинг анчагина қисми гумдон қилинаётганлигини ким ҳам инкор эта олади? Овланган балиқнинг анчаси ҳисобга олинмасдан қинғир йўллар билан бозорларга чиқарилмоқда. Одатда уларни қўли эгри шахслар арзон-гаровга олиб бозорларда қимматга сотмоқдалар.

Шаҳримизнинг «Олой», «Паркент», пойтахт вилоятининг Олмалиқ деҳқон бозорлари ҳамда Чиноз туманининг «Яллама» посёлкаларида бўлсангиз, балиқларни сотиш билан шуғулланаётган шахслар кўпайиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Дўконлар, умумий овқатланиш корхоналарида эса балиқ маҳсулотларини кам миқдорда учратасиз. Бунинг устига балиқ савдоси йилнинг тўрт фаслида ҳам тинимсиз давом этаверади. Балиқлар увилдириқ ташлайдиган даврда, яъни баҳор ойида овлаш мутасадди ташкилотлар томонидан таъқиқлаб қўйилади-ю, лекин амалда эса унга риоя қилинмайди. Бу броконерликнинг худди ўзгинасидир.



Энг ачинарлиси, маҳсулотлар ҳатто йўл бўйларига қўйиб сотилмоқда. Ваҳоланки, ёзнинг жазирама кунларида уларнинг бузилмасдан сақланишини таъминлаш амалда мумкин эмас. Менимча, санитария-эпидемиология идоралари ҳам бу ишни назорат қилолмаётганлиги, бу муҳим вазифани эътибордан четда қолдираётгани ҳам турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

— Илгари, балиқ хўжаликлари тузиш — сув ва ерни исроф қилишдан бошқа нарса эмас, деган «ақида» ҳукм сурарди. Ана шу фикрнинг асоссизлигини дамачиликлар қандай исбот этишди?

— Ҳақ гап. ...Авваламбор хўжалигимиз бугунги кунда ҳам коллектор сувидан фойдаланади. Поғонали қилиб қазилган ҳавзаларга қишлоқ хўжалиги экинларидан бўшаган оқова сувлар келиб қуйилади. Ер масаласига келсак, бу ерлар ҳеч нарсага яроқсиз, ташландиқ ерлар бўлган.

Хуллас, ана шундай ташландиқ ва ботқоқлик ерларни ўзлаштириш пировард натижада Ўзбекистонда хўжаликнинг янги ва муҳим соҳаси — ҳавза балиқчилигининг юзага келишига туртки бўлди. Бу соҳа кишилари оддий балиқ тутувчи бўлиб қолмай, эндиликда улар балиқ етиштирувчи омилкорларга айландилар.

Балиқ етиштиришнинг технологик жараёнига механизация тобора кўпроқ кириб бораётган ҳозирги шароитда балиқчи техникани пухта ўрганиши, моторли қайиқ, трактор ва автомобиль бошқаришни билиши зарур. Бу касб эгалари ихтисос сирларини фақат илмий адабиётлардангина эмас, балки шу соҳада узоқ ишлаган кекса, тажрибали балиқчилардан ҳам ўрганиб борадилар. Хўжалик эришаётган меҳнат натижаларининг асосий қисми кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

— Тармоқнинг келажаги ва ривожи хусусида нималар дея оласиз?

— Хўжаликда етиштирилаётган балиқ маҳсулотлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида «Ўзбалиқ» корпорациясининг «Аквакультура» илмий шаҳобчаси олимлари билан ҳамкорликда эски ҳавзаларни қайта таъмирлаш, сатҳи бир гектардан катта бўлмаган янги ҳавзалар барпо этиш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда.

Бу ҳавзаларда Хитой технологияси асосида, яъни ҳавзанинг экологик ҳолатидан тўғри фойдаланиш орқали юксак самарадорликка эришиш мақсад қилиб қўйилган. Шунда гектаридан юз ва ундан ортиқ центнер балиқ етиштиришга эришилади. Бундан ташқари «Гидробионт» маркази ташкил этиш ҳам мўлжалланган. Бу марказда ҳавза балиқларидан масаллиқлар тайёрлаш, илонбалиқ, оққайроқ, лаққа, судак каби янги балиқ турларини маҳаллий шароитга мослаштириш, уларни парваришлаш ва кўпайтириш юзасидан янги технологиялар ишлаб чиқилади. Маҳаллий хом ашёдан омухта озуқа тайёрловчи ихчам линияни, шунингдек, балиқларнинг тирик «озуқа»ларини парваришлайдиган янги цехни ишга тушириш ҳам кўзда тутилган.

Суҳбатдош: Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАЗЗАМ МАНЗИЛЛАР БЎЙЛАБ

Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан уюштирилган навбатдаги — олтинчи сафаридан яқинда юртимизга қайтиб келди. Экспедиция ҳозирга қадар ўндан зиёд Шарқ мамлакатлари ҳудуди бўйлаб «Тойота» автомашинасида жами 100 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтди.

Бу галги илмий сафаримиз Хитой Халқ Республикасининг Уйғур Мухтор туманидаги қадимий Қашқар шаҳридан бошланди. Экспедициямизнинг белгиланган режасига кўра, 1996 йил 15 сентябрь куни йўлга чиқиб, Андижон — Тошкент — Жамбул — Бишкек — Норин ва Турғот чегара довони орқали Хитой Халқ Республикаси ҳудудига ўз «Тойота» машинамизда кириб боришга муяссар бўлдик.

18 сентябрь куни эрталаб Хитой чегарасида бизни Хитой Ташқи ишлар вазирлиги Қашқар бошқармаси вакиллари — Ван Юн Куй ва Қайсаржон деган уйғур йигити кутиб олишди. Чегарада тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгач, биз кузатувчилар ҳамроҳлигида тоғ ёнбағирларидан, Чақмоқ дарёси бўйлаб юриб, Қашқар вилоятининг пасттекисликларидан утиб, 170 километрча йўл босдик ва тўрт соатлардан сўнг Қашқарга етиб келдик. Ван Юн Куй Ташқи ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи бўлиб, уйғур тилини жуда яхши билар экан, шу боис уни Ван афандим деб аташар экан. Шаҳар марказидаги беш қаватли шинамгина «Чимбоғи» меҳмонхонасига жойлашдик. Кечқурун Қашқар шаҳрини томоша қилгани чиқдик.

Эртаси куни XI-XII асрларда яшаган буюк мутафаккир, файласуф шоир Юсуф Хос Ҳожиб қабр-мақбарасини зиёрат қилдик.

Маълумки, Қашқарда ўз даврининг машҳур уламоси Офоқ Хўжа яшаб ўтган. Шаҳарда бу зотнинг хотирасига тикланган ажойиб ёдгорлик иншоотлари мавжуд. Биз уларни томоша қилар эканмиз, оташин шоиримиз Боборажим Машрабнинг шу даргоҳда йигирма йилдан зиёд умр кечирганини эсладик.

XVI асрда қўқонлик Ёқуббек Қашқарга юриш қилиб, бу ернинг ҳокими бўлади. Ислом динини тарғибу ташвиқ этиб, XI асрда қурилган Рузи махсум масжид-мадрасасини обод қилади. Ҳозирги кунда Ийидгоҳ деб аталувчи бу масжидда йигирма минг киши намоз ўқиши мумкин. У Хитой мамлакатидаги энг катта масжид ҳисобланар экан. Аср намозидан сўнг экспедиция аъзолари билан масжидга тўпланган қашқарлик намозхонлар ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Биз мустақил Узбекистон Республикаси ҳақида, унинг сермазмун тарихи ва ҳозирги

1

кунда эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб бердик.

Эртаси куни 200 километр йўл юриб Ёркент шаҳрига кириб бордик. Шарқона кўринишдаги қадимий Ёркент шаҳрида эшагу отаравалар билан бирга замонавий автомашиналарнинг ҳар хил турларини учратиш мумкин.

Бу манзилларда Бобур Мирзо ва унинг шонли авлодларининг тарихи зиёли оммага яхши маълум экан. «Бобурнома»нинг уйғур тилида нашр этилган нусхаси бунинг далилидир. Биз шу китобни ва Марказий Осиё тарихига оид бир неча қимматли тадқиқот асарларни қўлга киритишга муяссар бўлдик.

Шу куни кечқурун Қашқар шаҳрига қайтиб келдик. Эртаси куни тонгда кузатувчимиз Қайсаржон Шомон билан биргаликда Қашқардан Тошқўрғон шаҳри томон йўлга чиқдик. Эллик километрча юриб Маҳмуд Қошғарийнинг қишлоғига, қабр-мақбараси жойлашган боғига бордик. Музей, қабр-мақбарада Урумчи университетининг талабалари ва домлалари билан учрашув ўтказдик.

Узбекистон Республикасининг Покистондаги элчиси Наим Ғойибов ва бошқа ходимлар билан учрашдик.

Оқшом «Достони кўҳ» ресторанида бўлган суҳбатда покистонлик дўстлардан бири Исломобод — Пешавор йўналишидаги Ҳасан Абдол деган шаҳарча атрофида Бобур Мирзонинг рафиқаси Гулрўхбегим боғи ва унинг қабр-мақбараси жойлашганини айтиб қолди. Табиийки, бу хабар бизни беҳад қизиқтирди.

Эртаси куни Акбар Узганий билан биргаликда Равалпиндидан 45 километрча узоқликдаги Ҳасан Абдол шаҳрига, Гулрўхбегим боғига етиб келдик. Боғнинг кириш қисмида, чап тарафдаги катта ҳовуз ёнида қабр-мақбара қурилган. Боғнинг этагида, тошдан бино қилинган қўрғон ичида Гулрўхбегимнинг қабри тўрт қирралик улкан тош устига ўрнатилган бўлиб, яхши сақланган.

Эртаси куни Бобур Мирзо даврининг энг қадимий шаҳарлардан бири Лоҳур томон йўлга чиқдик. Кечаси соат ўн иккида манзилга етиб келиб, «Алнур» меҳмонхонасига жойлашдик. Эрталаб экспедициямизнинг бу ердаги дўсти, эски танишимиз, узбек йигити ҳожи Абдужалилни топдик. Самимий суҳбатлар ниҳоясида у бизга ҳамроҳлик қилиш учун ўғли Муҳаммад Шафиқни қўшиб берди.

Шу куни шаҳарнинг чеккароқ қисмида, Лоҳур — Карачи — Куэтта йўналишида жойлашган Зеббунисобегимнинг қабр-мақбарасини зиёрат қилгани бордик. Кўчанинг чап қиғоғидаги бу обида йўлдан 50-60 метр чамаси ичкарида бўлиб, қабр устидаги сағана тош ва унинг тепасидаги маҳобатли мақбара сақланиб қолган.

2

Эртаси куни олдиндан бўлган маслаҳатимизга кўра Бобур номидаги Халқаро жамғарманинг Лоҳурдаги бўлимини очдик. Бўлим раҳбари этиб жаноб Чавдари Муҳаммад Рафиқни тайинлаб, керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, келгусида маданий-илмий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида келишиб олдик. Ҳамкорликдаги ярим кунлик ишларимиздан сўнг Муҳамад Рафиқ ва ҳожи Абдужалил бизни Куэтта шаҳрига кузатиб қолишди.

Йўлда Бобур Мирзонинг назари тушган тарихий Мултон шаҳрини зиёрат қилдик ва у ерда бир кеча тунаб, Куэтта шаҳрига етиб бордик, «Зулфиқор» деган хусусий меҳмонхонага жойлашдик.

Куэттага келишдан асосий мақсадимиз темурийлар-бобурийлар сулоласининг Афғонистон ҳудудидаги марказий шаҳарларидан Қандаҳор ва Ғазнада бўлиб, тарихий обидалар билан танишиш, илмий маълумотлар тўплашдан иборат эди.

Бизни кўпдан буён муҳим бир масала — буюк ватандошимиз, қомусий аллома Абу Райҳон Беруний қабри қаерда ва бугун у қандай ҳолатда, деган савол қизиқтириб келар эди.

Биз бу масалани аниқлаш учун илгари ҳам ҳаракат қилиб кўрган эдик. Гарчи экспедициямиз шу пайтга қадар Афғонистон ҳудудида бир неча бор бўлган бўлса-да, мавжуд таҳликали вазият бунга имкон бер-

(Давоми 4-бетда).



Ғазна. Абу Райҳон Беруний қабри.

3

ГАБИ ТЕННИС БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентиналик машҳур теннисчи Габриэла Сабатини хоним энди хотиржам яшайдиган бўлди. Габи (аргентиналиклар уни эркалаб, шундай деб чақирадилар) катта спорт билан бутунлай хайрлашди. Уни янги ҳаётга кузатиш учун Аргентина теннис миллий уюшмаси биносига 500 дан ортиқ одам тўпланди. Маросимда Габриэла хоним ҳаяжонини яшириб ўтирмади. У ниҳоят ҳамма одамларга ўхшаб кўчаларда бемалол сайр этиш имконига эга бўлганини, бироқ, ўзининг севимли машғулоти билан хайрлашаётиб «Аста ла виста, теннис...» (яхши қол, теннис...) дейиш унга қанчалик оғир эканини айтиб, кўзига ёш олди.

Ҳа, Аргентинанинг эркатой гўзали ёш бўлишига қарамай, катта спортда улкан ютуқларга эришиб ном қозонди. Она юртининг номини дунёга ёйди. У эндигина 26 баҳорни қаршилади. Унинг номи билан аталган атир, қўғирчоқлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, у спорт кийимлари ишлаб чиқарадиган бир қанча машҳур фирмалар билан ҳам шартномалар тузган. Габриэланинг фақат теннисдан топган пули 9 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Рекламалардан тушадиган даромадлари ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Хуллас, Габи учун янги ҳаёт бошланди... Мухбирларнинг турмушга чиқасизми, деган саволига у «йўқ» деб кескин жавоб берди. У яқинда Греция ва Исроил мамлакатларига саёҳат қилмоқчи.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

СЕУЛ. Украина Президенти Леонид Кучма тўрт кунлик расмий ташриф билан Сеулга келди. Маълумки, Украина — Жанубий Корея ўртасидаги дипломатик алоқаларга 1992 йилда асос солинганди.

Украина Президентининг бу расмий ташрифида Корея ярим ороллари масаласи ҳамда ҳар икки томон учун манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилгандир. Президентлар учрашувида ўзаро инвестицияларни муҳофазалаш ва икки давлат ўртасидаги авиахизмат ҳақидаги битимни имзолайдилар. Шунингдек, улар савдо бўйича ҳамкорлик қўмитасини ҳам ташкил этишни мўлжаллашяпти.

Украина Президентининг Корея Республикасига ташрифи дастурида мамлакатнинг ишбилармонлари билан учрашувлар, йирик компанияларда, жамғарма биржаларида бўлиш ҳам кўзда тутилган.

ПРЕЗИДЕНТ САЛОМАТЛИГИ НАЗОРАТДА

АҚШ. Американинг «Нью-Йорк Таймс» газетаси шу йил ноябрь ойида операциядан муваффақиятли чиққан Россия Президенти Борис Ельциннинг саломатлиги ҳақида кўплаб мақолаларни чоп этмоқда. Президентнинг соғлиғи тикланиб, ўзини яхши ҳис этаётган бўлса-да, таниқли америкалик кардиохирург Майкл Дебейка ва Москвадаги кардиология маркази жарроҳлик бўлими бошлиғи Ренат Акчуринлар Борис Ельциннинг сиҳат-саломатлигини мунтазам равишда телефон орқали назорат қилиб турибди, деб ёзади газетада босилган навбатдаги мақолада. Врачларнинг фикрича, Президентнинг саломатлиги мутахассислар кутгандан ҳам эртароқ ўнгланди. Шу ойнинг охирида Президент Борис Ельцин эгаллаб турган лавозимига қайтиб, ўз вазифасини бажаришга киришиши кутиляпти. Ишга киришишга қадар Борис Ельцин врачлар кўрсатмасига биноан Қора денгиз бўйидаги қароргоҳида бир неча кун ҳордиқ чиқаради. Мақола муаллифининг таъкидлашича, давлат бошлиғининг охирги тиббий ташхиси кўнгилдагидек, операциядан кейинги саломатлиги врачлар тахмин қилганидек давом этмоқда.

Бу эса Ельцин операция туфайли ҳокимиятни қўлдан бой бермай, балки аввалгидек Россия Президенти вазифасини муваффақиятли давом эттиради, деб ёзади «Нью-Йорк Таймс».



Португалия пойтахти Лиссабон шаҳри кўриниши.
ЎзА олган сурат.

«АДАШГАН» БОМБА

ТОКИО. Америка ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қирувчи самолёт янглишиб жанубий Японияннинг Наха шаҳри аэропорти яқинига бомба ташлади. Ҳайриятки, бомба аэропортдан 10 чақирим нарига, денгизга тушиб, ҳеч кимга зарар етказмади.

Япония денгиз хавфсизлиги бошқармаси вакилининг гапига қараганда, 450 килограммлик бомба «Ф-18» қирувчи самолётдан «тушиб» қолган. Портлаш хавфи йўқ, шунга қарамай, ҳукумат томонидан бу ҳудудга кемалар кириши таъқиқлаб қўйилди.



ҚИШЛОҚ ЁНИБ КУЛ БЎЛДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Трипур штати ғарбида миллий низо туфайли номаълум жиноятчилар томонидан 23 киши ваҳшийларча ўлдирилган.

Республика ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, маҳаллий қабилалардан бирининг қуролланган жангарилари Калянпур туманидаги кичик қишлоққа ҳужум қилган.

Жиноятчилар автоматдан 22 кишини отиб ўлдирган. Қурбонлар орасида аёллар ва болалар ҳам бор. Қишлоқ эса бутунлай ёқиб юборилган.

Воқеа содир бўлган жойга миллий хавфсизлик қисмлари етиб келди. Улар жиноятчиларни қўлга олиш учун барча чора-тадбирларни кўраётирлар.

АПРЕЛДА МАРАДОНА КЕЛАДИ

ЭЛИСТА. Қалмиқ Республикаси Президенти Кирсан Илюмжинов янги фармон эълон қилди. Унинг биринчи банди «1997 йилги мавсумда Россия футболининг олий лигасига чиқиш — «Уралан» футбол клубининг бош вазифаси қилиб белгилансин...», деган жумлалар билан бошланади. Шунингдек, республика ҳукуматига футболни ривожлантириш бўйича 1997-2002 йилларга мўлжалланган махсус давлат дастури ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш юклатилди. Бир сўз билан айтганда, Қалмоғистонда ҳам футболга давлат катта аҳамият бера бошлади.

Апрель ойининг бошларида мамлакатга аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадонанинг меҳмон бўлиши ҳам кутилмоқда.

Ҳозир «Уралан» футбол командасига таниқли футболчи Павел Яковенко мураббийлик қилмоқда. Бу йил команда футбол бўйича мамлакат биринчилигида иштирок этиб, еттинчи ўринни эгаллади.

ҚЎЗҒОЛОНЧИЛАР ТАКЛИФИ

НАЙРОБИ. Зоирдаги Банямуленге қўзғолончилари мамлакат ҳукуматига жанговар ҳаракатларни тўхтатиш ва музокаралар ўтказишни таклиф этди.

Исёнчилар етакчиси Лоран Кабила «банямуленгечилар уч ҳафта мобайнида уруш ҳаракатларини тўхтатиб туради, агар ҳукумат шу вақт ичида музокараларни бошлаб юбормаса, Зоир ҳарбий қисмларига қарши ҳужумлар кучайтирилади», деди.

Маълумки, қўзғолончилар Буниа шаҳрини эгаллаганидан сўнг ҳукумат қўшинларининг 3 мингдан зиёдроқ аскарини қуршовга олди ва бутунлай қуролсизлантирди.

Ҳозирда мамлакат шарқий ҳудудларининг катта қисмини банямуленгечилар назорат қилмоқда.

КЕСКИН КУРАШ БОШЛАНДИ

РИМ. Италиянинг Бари шаҳри полицияси уюшган жиноятчиликка қарши кескин кураш бошлади. Натижада 30 нафардан зиёд жиноятчи қўлга олинди. Улар ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланганликда, контрабанда ва қотилликда айбланмоқда.

ТИБЕТЛИКЛАР ОММАВИЙ КЎЧМОҚДА

«Цюрихер Тагесанцайгер» газетаси Хитой давлатининг Тибет водийсидаги сиёсий вазиятга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Газета сиёсий шарҳловчисининг таъкидлашича, Хитой дунёнинг қадимий маданият ўчоғларидан бири Тибет ҳудудида якка ҳокимлик сиёсатини зўр бериб, илгари суряпти. Газетанинг ёзишича, кўҳна бу юртга Хитой ўз ҳарбий базаларини жойлаштирмоқда. Бугунги шароитда шиддат билан «сиқиб келиб» давом этаётган янги-янги қуршовлар туфайли Тибет аҳолиси тоғли ҳудудларга оммавий равишда кўчиб кетяпти.

Зотан, бу тоғли адирликларга ҳали Хитой ҳарбий сиёсати ҳам, ноҳуш сиёсий кайфиятининг ҳам «оёғи» етганича йўқ.

ЧУМОЛИ МЕҲНАТКАШМИ?

Бельгияда чиқадиган «Гренц Эхо» газетаси ўз саҳифасида испан олимларининг қизиқ илмий кузатишлари натижаси ҳақидаги маҳолани чоп этди. Газетанинг ахборот беришича, илмий-текширишлар якуни шуни кўрсатдики, чумоли ер юзидаги энг сермеҳнат жонзотдир. Лекин кўплаб биологик тажрибадан яна шу нарсаям маълум бўлдики, аслида чумоли жонзотларнинг энг танбали экан.

Чумолилар аксарият умрларини текинхўрлик билан ўткаэади, деб таъкидлашди олимлар. Чумолилар фақат «қирол»лари талаб қилгандагина жон куйдириб «ишлашга» тушишаркан. Ҳаммадан ҳайратланарлиси шуки, чумолилар «топшириқ»ни бажаргач, руҳий фалажликдан қирилиб кетишади.

ҚИРҒОҚДАГИ ҲАЛОКАТ

Шанба куни Янги Орлеанада двигатель қурилмасидаги носозлик туфайли океан қуруқликдаги юк кемаси бошқармасига қарашли шиддат билан ҳараатга келган кема қирғоқдаги бетон тўсиққа келиб урилиб, ҳалокатга учради. Кема Миссисипи дарёси қирғоғида жойлашган кўчмас мулк ҳисобланмиш савдо комплекси дўконига келиб зарб билан урилди. Бу ҳалокат натижасида 140 киши жароҳатланди, деб хабар қилади АҚШ қирғоқ кузатувчи хизмати.

АҚШ байроғи ҳилпираб турган дон ортилган бу кема Япония сари йўл олишдан сал олдин, носозлик туфайли ўз бошқарувини йўқотди. Ҳалокат туфайли жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатилди. Кема ҳалокатидан қирғоқдаги иншоотлар, шунингдек «Хилтон» меҳмонхонаси ҳам шикастланди.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

ЧАКАККА ЭРК БЕРМАНГ

ПЕРУ. Лималик бадавлат хонадондаги «тўғри овқатланиш» тарбиявий соати фожиали тугади. Соппа-соғ одамлар дастурхон устида узоқ баҳслашишди. «Ким киборларга хос чайнайди?» Тортишувчилар шунчалик қизишиб кетдики, улардан бири жаҳл устида лунжини тўлдириб олманинг ярмини тишлади. Луқмаи ҳалоли эса бутунлигича нафас йўлида «туриб» қолди. Ва у нафаси қисиб ўлди.

Чакакка эрк бериш шундай тугади. Барибир «ким киборлардек чайнаши» аниқланмай қолаверди. Чунки тирик қолгани «у чайнамай ютди» деб даъво қилаверди-да.

ҚАРҒИШ ЁМҒИРИ ЁҒДИРГАН АФСУНГАР

БРАЗИЛИЯ. Сан-Паулолик Хорхе Чегуэррани полициячилар қотилликда айблашяпти. Хорхе Чегуэррани кўпчилик «афсунгар» деб ҳам атайди. Ҳақиқатан ҳам у афсунгар. Ҳатто Хорхе табиатни ҳам ўз измига бўйсундиради.

Ёмғир сўраб зикр тушганида шунақанги шаррос ёмғир қуйдики? Сув тошқини юз берди. Тошқин етти нафар бегуноҳнинг жонига зомин бўлди.

— Тан оламан, ростданам ёмғир сўрадим. Лекин ҳеч бундан одамлар ҳалок бўлади, деб ўйламовдим, — дейди Хорхе Чегуэрра ўзига қўйилаётган айбномани рад этиб.

ЖАҲАННАМГА КИРИБ ЧИҚҚАН ҚАРИЯ

БОЛГАРИЯ. Варналиклар бир асрни қаршилаётган отахоннинг жасорати ҳақида кўп гапиришади. 96 ёшли Михаил Пановни ҳамшаҳарлари»жаҳаннамдан чиққан қариями?» дея бироз ҳайротомуз воқеани қайта-қайта ҳикоя қилишади.

Бинода кучли ёнғин пайтида отахон аланга домига ўзини урди. Нақ олов ичидан 4 нафар беҳуш ўт ўчирувчини олиб чиқди. Ўт ўчирувчиларни ёнаётган бинонинг томи босиб тушганди...

ДЕНГИЗ ТУБИДАГИ ҚЎЛ ЧИРОҚ

ДАНИЯ. Эсбьерглик денгизчи Петер Зондергард балиқ овлаш пайтида қўл чироғини сувга тушириб юборди. Капитан шу заҳотиёқ чироғидан умидини узиб, қўл силтаб қўя қолди. Ахир 9 метр чуқурликдаги денгиз тубига чўккан чироқни топиб бўлармиди?

Капитан экипажи билан Ғарбий Эсбьергга яна балиқ овига чиқди. Кутилмаганда тўрга Петернинг қўл чироғи «илинди».

Қизиғи шундаки, чироқ шу 10 кун давомидаям сув ости ҳайвонот оламига ёруғлик улашиб, ёниб турган экан. Чунки балиқ овловчилар «ўлжани» сувдан кўтаришгандаям у порлаб турарди.

Обуначи бурчаги

ГЕНУЯ — ЛОТЕРЕЯ ВАТАНИ

Лотерея ўйинларини ўтказиш ғояси XVI асрда Генуяда (Италия) пайдо бўлган. Ўша вақтларда шаҳарни беш кишидан иборат олий кенгаш бошқарар, унинг ваколати тугагач, қайтадан сайлов ўтказишар эди. Бунинг учун ҳар бир номзод бирдан 90 гача тартиб рақами билан белгиланган махсус шарлар сайлов қутисига солинар ва яхшилаб аралаштирилгач, бешта шар олинарди. Бу қайси номзодларнинг рақамига тўғри келса, шулар Генуя олий кенгашининг аъзолигига сайланарди.

Генуяликлардан бирининг хаёлига худди шу тартибда лотерея ўйинини ўтказиш мумкин эмасмикан, деган фикр келади. 1530 йилда биринчи маротаба «5» дан «90» гача бўлган сон билан ифодаланган лотерея чиқарилган.

Бу кашфиёт Ғарбий Европа мамлакатларига ҳам тарқаб кетди. XVII аср солномаларида қайд қилинишича, биринчи лотерея ўйини Россияда москвалик соатсоз уста Яков Гассениус томонидан ташкил қилинган. Бу тўғрида тарихий китобларда шундай бир эълон келтирилган. «Эркагу аёл ишқибозлар минг сўмни қўлга киритиш учун атиги 10 тийин тўлаб ўз бахтларини синаб кўришлари мумкин: Лотерея билетлари бир зумда тарқалиб кетади. Ўша пайтларда лотереяга фақат пулгина эмас, балки озиқ-овқат — ўнта тухум, 2 пуд бўғдой ва бошқа нарсалар берилган.

1926 йилларда «Саводсизлик тугатилсин» шиори билан ҳам лотерея чиқарилган. Тушган маблағ китоб, дарслик ва мактаб қуришга сарфланган. Ютуқлар тиражида бизга ҳозир ғалати туюлган нарсалар — сигир, от-улов, ёғоч ва ҳоказолар бор эди.

ДОСААФ лотереясига ҳар хил ютуқлар, жумладан «Волга», «Жигули», «Москвич» автомобиллари, «Урал», «Днепр» каби мотоцикллари, магнитофон, кинокамера, гилам, соатлар берилган.

Бугунги кунда лотерея ўйинлари республикамизда турли эзгу мақсадларда ўтказилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Литр деймизу...

Литр кўп ишлатиладиган ўлчов бирлиги. Бу атама вино шишаси ишлаб чиқарувчи француз Клод-Эмил Жан-Батист Литр номидан олинганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Литр биринчи бўлиб градусларга бўлинган шиша идиш ясаган ихтирочи ҳам бўлган. Афсуски, унинг ҳаёти тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат сақланиб қолмаган. Фақат отаонаси ва вино шишаси ишлаб чиқариш билан шуғулланганги маълум холос.

Унинг швед астрономи Андрес Цельсий билан танишуви ҳаётида муҳим из қолдирди. 1763 йилда 47 ёшли Литр суюқликнинг ҳажмини ўлчашни таклиф қилди ва суюқликнинг стандарт бирлиги сифатида симобдан фойдаланди. Литрнинг бу таклифи унинг вафотидан кейингина тасдиқланди. Лекин стандарт бирлик қилиб сув олинди, яъни бир литр ҳарорати Цельсий бўйича тўрт даражага тенг бўлган бир килограммли сув ҳажми билан баробардир.

Ҳозирда литр халқаро метрик ўлчов тизимида ҳажм ва сиғимни ўлчашда асосий бирлик сифатида қабул қилинган.

Кўнгил деганлари

Ақлга бир лаҳза бўйсунмаслик, ҳис-туйғу ипини бўшатиб қўйишлик бир умрлик пушаймонликка сабаб бўлади.

Пинҳона изтироб қанчалик оғир бўлса, яширинча қувонч ҳам шунчалик оғир.

Қайсидир яхши фазилатларимдан бири йўқолган экан, демак, менга яна бир нуқсон илашган бўлади.

Кеча ва кундузни барча кўзи очиқ одамлар фарқлайди. Аммо инсон қалбининг яхши, ёмон ҳислатларини ҳамма ҳам тушуниб етолмайди.

Одоб тунги либос эмас, қизишиб кетганингда ҳам уни ечма.

Баъзан ёнингда ўтириб, сенга қўшилиб, йиғлашиб, дардлашиб туриб ҳам сени тушунмайдилар.

Турмуш ташвишлари, дард аламлар аста таъсир қилувчи заҳардир. Улар вужудни сездирмасдан емириб боради.

Метр ўлчами нима?

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб Россияда метр тизимини жорий этиш бўйича илмий комиссиялар иш бошлаган эди. Улар метр ўлчамининг афзаллигини тарғиб этишган бўлсаларда, барча хатти-ҳаракатлари зое кет. Шуниси қизиқки, пухта билимга эга бўлган мутахассислар киритолмаган янгиликни оддий тикувчи ҳаётга татбиқ этди. Гап шундаки, ўша вақтларда мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида Париж модаси урф бўлган, тикувчилик ателъеларида эса метр билан ишлайдиган чет эллик тикувчилар ишлашарди. Ҳозирги кунда ҳам машиначилар қўллайдиган, юмшоқ клёнкасимон лентадан ишланган ҳар икки ёғига сантиметр рақамлари ёзилган метр ўшанда пайдо бўлган эди. Бироқ метр, яъни Париж меридиани чорак қисмининг юз миллиондан бир қисми бўлган ўлчов бирлиги Россияга бошқа йўл билан ҳам кириб келди. 1887 йили янги кредит қоғозларининг намуна нусхаларини тасдиқлар экан, ҳукумат эски қонун қоидаларга хилоф равишда унинг ўлчамларини миллиметрда тасдиқлаган эди.

Орадан ўттиз бир йил ўтиб, метр тизими ҳукумат томонидан қонунлаштирилди.

«Обуначи бурчаги» материалларини Маъсуда ЁҚУБОВА саралади.

Эҳтиром

ҲАМ ИЛМ, ҲАМ ДУО

Илм-фанимиз заҳматкашлари орасида ўзига хос салоҳиятга эга бўлган иқтисод фанлари номзоди, истеъдодли педагог-олим Абдураҳим Ортиқов узоқ йиллар мобайнида машинасозлик соҳасидаги иқтисодий муаммоларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари билан шуғулланди. У машинасозлик тараққиётининг иқтисодий муаммоларига бағишланган қатор монографияларни чоп эттирди. Шу даврга ча яратилган 60 дан ортиқ илмий, ўқув, ўқув-услубий ишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чоп этилган тўртта ўқув қўлланмасига қўшилган салмоқли ижодий улуш ҳам унинг қаламига мансубдир. Ажойиб мураббий қатор ўқув қўлланмалари ва услубий тадқиқотлар, шу жумладан, 1992 йилда чоп этилган «Капитал қурилиш иқтисодиёти ва режалаштириш» ва 1995 йилда нашр қилинган «Микроиқтисод» ўқув қўлланмаларининг масъул муҳаррири ҳам.

Юксак масъулият ҳиссси ва аниқ мақсадга интилиш Абдураҳим ака шахсидаги энг ибратли фазилат бўлиб, у ўзининг бутун куч-ғайрати ва иқтидорини ёш илмий кадрлар тайёрлашга сафарбар этиб келади. Унинг бевосита раҳбарлигида 19 киши илмий иш олиб борди ва номзодлик диссертациясини ёқлади.

Айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам катта ишлар олиб бормоқда. Мана, 20 йилдирки, фаол жамоатчи олим университет Эксперт комиссиясини бошқариб келаётир. Ва айни вақтда университет уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси ҳам. Тажрибали олим ҳозирги кунда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ёшларга «Микроиқтисод» курсидан таълим бериб, талабаларнинг ишлаб чиқаришда малака ошириши ва уларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилмоқда. Эртанги кунимиз эгаларига ҳам илм, ҳам дуо бериб келаётган устоз-муаллимнинг фанимиз йўлида ёққан чироғи тобора ёришиб бораётир.

Ф. КАРИМОВ,
Э. МАҲМУДОВ.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан

Россияда ишлаб чиқарилган 13.6 х 38 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ШИНАЛАРИНИ

СОТАДИ

Ҳақ тўлаш - пул ўтказиш ёки вексель билан

Телефонлар: (3712) 54-99-77. 55-37-55.

1996 йил 10 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Омад» ютуқли омонатининг 1-тиражи буйича

РАСМИЙ ЖАДВАЛ

Барча Халқ банки муассасаларидаги «Омад» ютуқли омонатининг қуйидаги ҳисоб-рақамларига ютуқ тушди.

	Ҳисоб-рақами	Фоизга нисбатан ютуқ миқдори (марта)
1.	О-д 0010	3 (марта)
2.	О-д 0039	3 (марта)
3.	О-д 0060	3 (марта)
4.	О-д 0066	3 (марта)
5.	О-д 0225	3 (марта)
6.	О-д 0232	5 (марта)
7.	О-д 0285	3 (марта)
8.	О-д 0298	3 (марта)
9.	О-д 0316	3 (марта)
10.	О-д 0424	10 (марта)
11.	О-д 0433	3 (марта)
12.	О-д 0447	3 (марта)
13.	О-д 0455	3 (марта)
14.	О-д 0585	20 (марта)
15.	О-д 0646	3 (марта)
16.	О-д 0648	3 (марта)
17.	О-д 0700	3 (марта)
18.	О-д 0742	3 (марта)
19.	О-д 0786	3 (марта)
20.	О-д 0902	3 (марта)
21.	О-д 0904	3 (марта)
22.	О-д 0922	10 (марта)
23.	О-д 0925	5 (марта)
24.	О-д 0938	3 (марта)
25.	О-д 0955	3 (марта)

Ҳисоб рақамлари 1000 дан ортиқ бўлган Халқ банки муассасаларидаги кейинги барча 1000 рақами сонларидаги ўша ҳисоб-рақамлари ҳам ютуқлидир.

Масалан: №1010, №2010, №3010 ва ҳ.к., №1060, № 2060, №3060 ва ҳ.к.

Тираж комиссияси раиси Муродов К. Н.
Тираж комиссияси раисининг муовини Усмонов М. Н.
Тираж комиссиясининг масъул котиби Каримов М. К.

Футбол

ЮГУРГАННИКИМАС, БУЮРГАННИКИ

Икки ҳафтадирки, Бирлашган Араб Амирликлари шаҳарларида Осиё кубоги учун қизғин кураш давом этмоқда. Уч гуруҳга бўлинган 12 жамоа ўртасида бўлиб ўтган дастлабки босқич учрашувлари кучлиларни саралашга имкон берди. «А» гуруҳида БАА, Қувайт, Корея терма жамоалари чорак финалга йўлланма олишган бўлса, «В» гуруҳидан ҳам шунча жамоа, яъни Эрон, Саудия Арабистони ва Ироқ футболчилари курашни давом эттириш ҳуқуқини олишди. Мутахассислар энг кучли гуруҳ деб баҳолаган, «С» таркибга кирувчи жамоалар орасидан эса бор йўғи икки мамлакат — Япония, Хитой футболчилари чорак финалга чиқдилар. Сирасини айтганда, Хитой ва Корея футболчиларини курашни давом эттиришларига терма жамоамизнинг сўнгги ўйиндаги мағлубияти «туртки» берди.

Кеча бўлиб ўтган Корея — Эрон ва Саудия Арабистони — Хитой жамоалари ўртасидаги учрашув билан чорак финал ўйинлари якунланди. Зеро, кубок учун курашнинг навбатдаги босқич баҳслари мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, БАА — Ироқ футболчилари ўртасидаги учрашувда ҳар иккала томон биринчи бўлиб ҳисобни очишга зўр берди. Лекин асосий вақтда дарвозалар дахлсиз қолди, Гарчанд ташаббускорлик Ироқ футболчиларида бўлсада, қўшимча вақтда ўтказилган ўйиннинг 14-дақиқасида киритилган ягона тўп БАА жамоасига ғалаба келтирди.

Иккинчи учрашувда эса аёвсиз тезкорлигини ошириб бораётган Япония «машина»си тўхтатилди. Маълумки, япон футболчилари мағлубият нималигини билмай, курашни давом эттираётган эдилар. Улар Қувайт жамоаси билан ўтказилган навбатдаги ўйинда ҳам ҳужумкорликни бўшаштирмадилар. Лекин кувайтликлар ҳам анойи эмасликларини амалда кўрсатдилар. 17 ва 55-дақиқада киритилган тўп кувайтликларни ярим финалга олиб чиқди. Югурганники эмас, буюрганники деб шуни айтсалар керак. 18 декабрь куни ўтказиладиган ярим финал учрашувлари эса янада кескин бўлиши кутилмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

МУАЗЗАМ МАНЗИЛЛАР БЎЙЛАБ

(Давоми. Боши 3-бетда).

маган эди. Бироқ бу сафар бизнинг қароримиз қатъий эди. Аҳвол қанчалик мураккаб ва танг бўлмасин, Қандаҳор орқали ўтиб Ғазна шаҳрига боришга аҳд қилдик.

Меҳмонхонага қайтиб келгач, Исломободга — Ўзбекистон элчихонасига қўнғироқ қилиб, Қандаҳор ва Ғазна сари отланганимизни маълум қилиб қўйдим.

Эртаси куни соат ўн иккида Динмуҳаммад ва унинг шериклари ҳамроҳлигида Афғонистонга қараб йўл олдик. Тахминан 100 — 150 километр масофани босиб ўтганимиздан кейин, Покистоннинг Чаман шаҳридан ўтиб, чегарага етиб келдик.

Таҳликали тун ниҳоясига етди. Тонг саҳар соат учда келишувга мувофиқ Қандаҳорга қараб жўнадик. Бизга диний ходим Абдуманнон Муҳаммад Расул деган бир одамни ҳамроҳ қилиб қўшиб беришди.

Йўл ниҳоятда ёмон, снаряд, бомба тушавериб, ўйдим-чуқур, баъзи жойлари эса ўпирилиб жар бўлиб ётибди. Лекин «йўл» деб аталмиш шу чизиқдан чиқмай олга юриш керак, чунки ён-атроф мина билан тўла, салгина эҳтиётсизлик қилинса, фалокат юз бериши муқаррар. Шу тариқа соатига ўн-ўн беш километрдан юриб, имиллаб бораётирмиз.

Тушга яқин Қандаҳор шаҳрига кириб келдик. Кўп йиллик уруш шаҳарни буткул вайрон қилган, аксарият иморатларнинг фақат пойдевори қолган. Лекин шу вайроналар орасида ҳам ҳаёт давом этмоқда — савдо-сотиқ, тирикчилик бўлиб турибди. Бозор ва дўконларда кундалик эҳтиёж учун керакли нарсаларнинг ҳаммасини топиш мумкин.

Маълумки, Қандаҳор Бобур Мирзонинг қадамжоларидан бири ҳисобланади. Темурийлар — бобурийлар даврида бу шаҳар гуллаб-яшнаган маскан бўлган. Шаҳарнинг ғарбий томонига жойлашган Сарпуза тоғининг энг баланд чўққисига Бобур Мирзо фармони билан қирқ зинали, очиқ гумбаз ва уймакорлик айвонлар барпо қилинган. Биз ички бир ҳаяжон билан бу қадамжога етиб келдик. Тоғ устидаги ноёб меъморий иншоотнинг умумий кўриниши Уш шаҳридаги Сулаймон тоғини ва у ерда Бобур Мирзо қурдирган ҳужрали айвонни эслатади. Қандаҳордаги мазкур тарихий обида «Чиҳилзина» — қирқ зина деб аталади. У тўққиз йил давомида саксонта тоштарош уста иштирокида бино этилган. Бугунги кунда зиналарнинг аксарияти ракета ва снаряд ўқлари зарбидан бузилиб кетган. Шу сабабли биз қийинчилик билан тепага кўтарилдик. Мана, ниҳоят чўққига чиқиб боришга муваффақ бўлдик. Бу ердан бутун шаҳар худди кафтда тургандек яққол кўринади. Ички айвон деворларига ҳазрати Бобурнинг ижодидан намуналар, унинг фарзандлари — Комрон Мирзо, Аскарий Мирзо ва Ҳиндол Мирзога бағишлаб битган шеърий ўгитлари ўйиб ёзилган.

4

Чиҳилзина атрофига қурилган иморатлар, боғу роғлар қаровсизлик оқибатида вайронага айланиб нураб бормоқда. Теваракни ёввойи ўтўлан, чакалаклар босиб ётибди. Зудлик билан фото-видеоаппаратларимизни ишга солиб, ноёб лавҳаларни суратга олишга улгурдик.

Қандаҳор шаҳрининг шимоли-ғарбий томонида, Ҳиротга қараб кетиладиган катта йўл ёқасида Бобур Мирзога дахлдор яна бир жой бор. Бу ерда улуғ аждодимиз бир пайтлар ниҳоятда гўзал боғ барпо қилдириб, унга Чорбоғ номини берган. Ўша замонларни эслатувчи тор кўчалар, ариқ-ҳовузлар, шийпон қолдиқлари, пахса қўрғонлар ҳозир ҳам сақланиб қолган. Уруш ва бузғунчиликка қарамай, анорзор: узумзор, беҳизорлар шиғил ҳосилда.

Биз бу жойларни зиёрат қилдик, ғарқ пишиб ётган ширин анорлардан татиб кўрдик.

Атрофимизни бир зумда одам ўраб олди. Биз улардан Маҳмуд Ғазнавий ва Абу Райҳон Беруний мақбаралари қаерда эканини сўрадик. Улар Маҳмуд Ғазнавий мақбарасининг ёнгинасида турганимизни айтишди, аммо Беруний ҳақида аниқ бир жавоб ололмадик.

Султон Маҳмуд Ғазнавий мақбараси Ғазна — Кобул йўлининг чап томонида, марказдаги бозордан уч километрча шимол тарафда жойлашган экан. Баландгина тепалик устига қурилган мақбара яхши сақланган. Мақбаранинг ички-ташқи томонлари кўркам нақшлар билан безатилган. Дарвозадан кираверишда қироат қилиб иккита шайх ўтирибди. Биз ҳам ичкарига кириб зиёрат қилдик, дуои фотиҳалар ўқидик.

Бу ерда фото, видеотасвирларга олдик. Сал нарида мадраса бўлиб, пастак ҳужрачаларда дарс бўлаётган экан. Бориб салом бердик, мударрис домлалар билан Ғазнадаги тарихий обидалар ҳақида суҳбатлашиб, Абу Райҳон Беруний қабр-мақбарасининг ўрни масаласига аниқлик киритдик. Сафарга чиқишдан аввал Афғонистонда кўп йиллар хизмат қилган шарқшунос олим Ҳасан Қудратуллаев билан учрашиб, Беруний қабр-мақбарасининг тахминий чизмасини олган эдик. Маҳаллий зиёлиларнинг кўрсатмалари ва қўлимиздаги чизмани бир-бирига солиштириб, алломанинг қабрига бозор ичи билан ўтиб борилишини аниқладик. Икки километрча юрилгач, кўприк олдидаги тор кўчага бурилдик. Шу ерда машинадан тушиб, ичкарига юрдик. Тор кўча бўйлаб 600—700 метр қадам босгач, бизни бошлаб келган мударрис домла чалдевор тагидаги қабрни, аниқроғи, қабрдан қолган бир уюм қолдиқлар — парчаланган сағана тоши ва бузилган мақбара бўлакларини кўрсатиб: «Мана шу», деганида, дастлаб кўзимизга ишонмадик. Наҳотки бутун дунёга донги кетган буюк инсон Абу Райҳон Берунийнинг сўнгги маскани шундай хароб ва ғариб бўлса?! Гоҳ қабрга боқамиз, гоҳ атрофимизга... Изтироб ва надоматимизга сўз йўқ.

5

Шу ердаги маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашдик. Уларнинг айтишича, Боғи Балил деб аталган жойдаги бу қабр ҳақиқатан ҳам Берунийга тегишли бўлиб, бир вақтлар тепасида кўркам мақбара бўлган. Афғонистоннинг сўнгги подшоҳи Зоиршоҳ даврида нимадир (эҳтимол, бойлик) қидириб қабр очилган экан. Ушанда қабрнинг ёнидан яна бошқа одамнинг калла суяги чиққан. Ким билсин, балки у Берунийнинг яқин кишиларидан бири бўлгандир. Текширув ишлари битгач, суякни ҳам шу ерга кўмиб қўйишган. Шунинг учун ҳозир бу ерда икки қабр ёнма-ён турибди. Аста-секин вақт ўтиши билан узлуксиз урушлар, қаровсизлик ва эътиборсизлик туфайли мақбара емирилган, атроф буткул ташландиқ ҳолатга келган. Берунийнинг қабрини очган жоҳил кимсалар бу жой беному нишон йўқ бўлиб кетмаслиги учун инсоф юзасидан уни лоақал тош ёки бетон девор билан бўлса-да, ўраб қўйишлари лозим эди. Минг афсуски, инсониятнинг даҳо фарзанди хотирасига нисбатан бундай муносабат кишини беҳад ранжитади.

Атроф-теваракда тирикчилик ғами билан юрган оми халқ Берунийнинг кимлигини билмайди ҳам. Шунинг учун бўлса керакки, қабр атрофида экин-тикин қилиб юборилган. Қабрдан шундоқ икки метрча нарида кимдир шоли экиб қўйибди. Бу ҳолни кўриб юрагимиз увишди. Агар аҳвол шу зайлда давом этса, бир-икки йил ичида қабр ўрни ер билан текисланиб, шолипоя ёки бугдойпояга айланиб кетиши ҳеч гап эмас...

Биз Беруний бобомизнинг қабри узра бош эгиб тиловат қилдик. Ён-атрофни бегона ўтлардан тозалаб, супуриб-сидирган бўлдик. Бу ҳатти-ҳаракатларимиздан таажжубга тушган афғонлардан бири: «Ким у, қариндошингизми?» деб суради. Бу саволдан бениҳоя маҳзун бўлиб қолдик.

Чиндан ҳам, Абу Райҳон Беруний — бизнинг улуғ аждодимиз, қадим Хоразм ўғлони. У нафақат ўзбек халқининг, балки бутун башариятнинг буюк фарзанди. Ватанимизда Беруний номида шаҳарлар, туманлар, кўчалар, хўжаликлар, институтлар, ҳайкаллар, давлат мукофотлари, стипендиялар ва уларнинг кўплаб лауреатлари мавжуд. Алломанинг номи ва ижоди юртимизда бу қадар юксак эъзозлангани ҳолда, унинг абадий оромгоҳи шунчалар ғариб ва хароб бўлиб ётгани ниҳоятда ачинарлидир...

Зокиржон МАШРАБОВ,
экспедиция раҳбари, геология-минералогия фанлари номзоди.

6

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 24.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА